

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ганиева Шодия Азизовна

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА ВАЛЕНТ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

5А 220102-Лингвистика мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: филология фанлари
доктори, профессор А.НУРМОҢОВ

Фарғона - 2011

МУНДАРИЖА

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	4-бет
КИРИШ.....	8-бет
I БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ	
I.1. Ижтимоий-иқтисодий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар....	18-бет
I.2. Руҳий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар.....	21-бет
I.3. Жисмоний ҳолат билдирувчи фразеологизмлар.....	24-бет
I.4. Ақлий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар.....	28-бет
I.5. “Вақт” архисемали фразеологизмлар.....	31-бет
I.6. “Ўрин” архисемали фразеологизмлар.....	34-бет
I.7. ”Микдор” архисемали фразеологизмлар.....	36-бет
I.8. “Нутқ” архисемали фразеологизмлар.....	38-бет
Боб юзасидан хулоса.....	40-бет
II БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ	
II.1. Бош лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари.....	44-бет
II.2. Кўз лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари.....	45-бет
II.3. Бўйин лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари.....	47-бет
II.4. Оғиз лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари.....	48-бет
II.5. Қўл лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари.....	51-бет
Боб юзасидан хулоса.....	53-бет
III БОБ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ВАЛЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ	
III.1. Субъект валентлиги.....	58-бет
III.2. Объект валентлиги.....	65-бет
III.3. Темпорал валентлик.....	67-бет
III.4. Локал валентлик.....	69-бет
Боб юзасидан хулоса.....	71-бет

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	73-бет
Фойдаланилган адабиётлар.....	75-бет

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов бугунги мустақил давлат қурилишида истиқболимиз ва тараққиётимиз хусусида сўз юритиб: “Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар каторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват бағишлайди”, деб кўрсатиб ўтадилар.¹ Жамият ҳаётининг қатор соҳаларида, жумладан, фан тараққиётида ҳам бундай ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Сўнги йилларда ўзбек тилшунослигига семантик-структур таҳлил усуллари кириб келди. Фразеологизмлар тадқиқида ҳам маълум даражада бундай изланишлар кўзга ташланади. Бироқ ўзбек тилидаги ибораларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари, иборалар англатган маъноларнинг умумий ва фарқли семалари, фразема таркибидаги бирликларнинг семик таҳлили, бу бирликларнинг нутқ жараёнида бошқа бирликлар билан мутаносиблиги муаммоси ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилмаган. Фразеологизмлар компонентларини семантик ва валент таҳлил қилиш масаласига бағишланган мазкур иш, бир томондан, ибораларни яхлит, айти пайтда, таркибий хусусиятларининг таҳлили билан, иккинчи томондан, уларнинг валент хусусиятларини тадқиқ этиши билан долзарбдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг тадқиқи масаласи анча йиллардан буён тилшунослар эътиборини тортиб келмоқда. Бу муаммо бўйича кўплаб монографик изланишлар майдонга келди. Уларда фразеологик

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик, бағрикенглик, яшариш ва янгиланиш айёми / Президент Ислон Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. - Халқ сўзи, 2011 йил, 22 март.

бирликларнинг шаклланиши, бу бирликларнинг ўзига хос белгилари, тараққиёти, услубий жиҳатлари, этимологик хусусиятлари, айрим тиллар иборалари билан қиёсланиши сингари масалалар тадқиқ этилган¹. Бу борада, айниқса, Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, Ш.Алмаматова ва бошқа тилшуносларнинг хизматлари катта².

Ш.Раҳматуллаев ўзининг тадқиқотларида фразеологизмларнинг маъно хусусиятлари, шакл ва маъно муносабатлари борасида махсус монографик ишлар олиб бориш билан бирга, ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг изоҳли луғатларини ҳам яратди. Б.Йўлдошев фразеологизмларнинг услубий хусусиятлари, А.Маматов эса ибораларнинг шаклланиши хусусидаги илмий ишлари билан ўзбек фразеологиясининг ривожига хисса қўшдилар.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади фразеологик бирликларнинг семантик-структур нуқтаи назардан таҳлил қилиш, уларнинг валент хусусиятини очишдан иборат.

Тадқиқотда кўзда тутилган мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш билан эришилади:

- фразеологик бирликларнинг тил системасидаги ўрнини белгилаш, уларнинг ички мазмуний гуруҳларини аниқлаш;
- ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг ички тузилишини белгилаш;
- бу мазмуний гуруҳга мансуб бирликларнинг интеграл ва дифференциал хусусиятларини аниқлаш;
- фразеологик бирлик таркибидаги компонентларнинг мазмуний белгиларини ажратиш;

¹ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд, 2007; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 1993; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 2000; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. Филол. фанл. номз.....дисс. автореф. Тошкент, 2008 в.б.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 1993; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 2000.

- фразеологизмлар билан бирикувчи birlikларнинг имкониятларини аниқлаш ва шу асосда уларнинг валент хусусиятларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти ва материаллари. Ишда ҳозирги ўзбек ёзувчилари асарлари ва халқ оғзаки ижоди материалларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги:

- ўзбек тилидаги фразеологик birlikларнинг тил системасидаги ўрни белгиланди, улар ички мазмуний гуруҳларга ажратилди;

- ҳар қайси мазмуний гуруҳнинг ички тузилиши белгилаб берилди;

- ушбу мазмуний гуруҳларга хос бўлган фразеологик birlikларнинг интеграл ва дифференциал хусусиятлари очилди;

- фразеологизмларни яхлит ҳолда таҳлил қилиш билан бирга, улар таркибидаги ички компонентларнинг мазмуний белгилари ҳам аниқланди;

- фразеологик birlikлар билан бирикувчи birlikларнинг имкониятлари аниқланди ва шу асосда уларнинг валент хусусиятлари ёритилди.

Диссертациянинг назарий аҳамияти. Ушбу магистрлик иши ўзбек тили фразеологизмларини систем-структур нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда тилнинг экспрессив функциясини ёритиш учун муҳим назарий аҳамиятга эга. Унда ўзбек тилидаги фразеологик birlikлар муайян мазмуний гуруҳларга бирлаштирилди ва уларнинг ички узвларига хос парадигматик ва синтагматик муносабатлар чуқур таҳлил қилинди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти.

Диссертациянинг хулосалари ва материаллари идеографик луғатлар яратишда, тилнинг системавий табиати билан боғлиқ семинарлар ташкил этишда манба сифатида ҳисса қўшади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни 3 журнал мақоласи ва республика миқёсида нашр этилган илмий тўпламлардаги 30 дан ортиқ тезисда акс этган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 79 саҳифани ташкил этади.

КИРИШ

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарларида маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган омиллар хусусида сўз юритиб: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”,¹ - деб таъкидлаган эдилар. Шу маънода халқ иборалари, уларнинг қўлланиш усуллари ҳам маълум миллатнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга хизмат қилади.

Фразеология назариясининг илк тадқиқотчиси Шарль Балли ҳисобланади. У ўзининг “Француз стилистикаси” номли асарига сўз бирлашмалари, яъни фразеологизмларни тадқиқ этувчи махсус боблар киритган эди. У фразеологик бирлашмаларнинг ташқи (ишончсиз ёки шунчаки алдамчи) ва ички (асл баҳо, белги) хусусиятларини бир-биридан фарқлаган эди. Унинг таълимотига кўра, бундай бирлашмаларнинг структурал хусусиятлари ташқи белгилари, семантик табиати эса унинг ички белгилари саналади. Фразеология асосан фразеологик бирлашмаларнинг семантик табиатини, ички белгиларини ўрганиш билан шуғулланиши лозим.² Ф. де Соссюр эса “Умумий тилшунослик курси” асарида синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирикмалар борки, уларнинг узул характери маъноси ва синтактик хусусиятидан келиб чиқади. Уларни тайёргарликсиз қўллаш мумкин эмас, чунки бундай бирикмалар тайёр ҳолда, анъанага кўра қўлланилади, - деган эди.³

Фразеология фанининг ривожланиш тарихини профессор Б.Йўлдошев хронологик жиҳатдан уч даврга бўлиб ўрганишни тавсия этади:

Биринчи давр XVIII асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фразеологик тадқиқотларнинг йўлга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008, 30-бет.

² Балли Ш. Французская стилистика. М.: Наука, 1984.

³ Соссюр Ф. де Курс общей лингвистике. – Труды по общему языкознанию. – М., Прогресс, 1977.-С.157

кўйилиши М.В.Ломоносов, А.А.Потебня, Ш.Балли фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда фразеология кўпроқ лексикография, амалий луғатшунослик объекти бўлиб хизмат қилган. Бу даврда кўпроқ ФБ(фразеологик бирлик)ларни луғатларда акс эттириш, уларнинг маъносини, этимологиясини изоҳлаш, талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Иккинчи давр Е.Д.Поливанов, В.В.Виноградов каби олимларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ ҳолда ривожланди ва XX асрнинг 30-50-йилларини ўз ичига олади. Бу даврни фразеологиянинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланиш даври ҳам дейиш мумкин.

Учинчи давр XX асрнинг 60-йилларидан бошланиб, ҳозирги кунларгача давом этади. Бу давр фразеологик тадқиқотларда янги методларнинг қўлланилиши, фразеологик назариянинг тез суръатлар билан ривожланиши ва кўплаб фразеолог олимларнинг етишиб чиққанлиги билан характерланади.¹

Умуман олганда, фразеология кейинги йилларда тез суръатлар билан тараққий этаётган тилшунослик соҳаларидан бирига айланди. Бу соҳа жуда кўплаб ҳамдўстлик мамлакатлари олимларининг диққатини ўзига жалб этмоқда. Масалан, тилшунос олимлар ФБларнинг табиати ва ҳосил бўлиш усулларини ўрганмоқдалар, фразеологик маъно табиатини аниқламоқдалар, ФБларнинг ўзаро синонимик, антонимик, вариантдошлик, омонимик хусусиятларини ўрганмоқдалар, ибораларнинг морфологик структураси ва парадигматикаси, ФБларнинг гап таркибидаги синтактик вазифаси, ибораларни қиёсий, структурал-типологик таҳлил қилиш, байналмилал фразеология масалалари, бадиий ва публицистик услуб фразеологияси, ФБларни коммуникатив-прагматик аспектда ўрганиш, фразеологияга доир дарслик ва қўлланмалар яратиш, фразеология ва фразеографиянинг шаклланиш тарихини ўрганиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди.

¹ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд, 2007. -46.

Фразеология масалаларини тадқиқ этиш, шубҳасиз, унинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлди, тилшунослик фанини назарий ва амалий жиҳатдан бойитди. Б.Йўлдошев ўзининг “Ўзбек фразеологияси ва фразографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” монографиясида туркий тиллар фразеологиясини ўрганишнинг айрим масалалари, ўзбек фразеологияси ҳамда фразеографиясининг тадқиқи тарихини ўрганган. Мазкур монографик тадқиқотда фразема, ФБ ёки ибора дейилганда тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўласича кўчма маъно англатувчи турғун лексик-семантик бирликлар тушунилади.¹

Маълумки, ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари дастлаб Е.Д.Поливановнинг ишларида ўртага қўйилган эди. У рус ва айрим Шарқ тиллари фразеологиясини ўрганади ва шу асосда фразеологияни мустақил лингвистик соҳа сифатида ажратиш ҳақида фикр билдиради. Е.Д.Поливановнинг таъкидлашича, янги шаклланадиган фразеология соҳаси лексикологияга нисбатан худди синтаксис морфологияга нисбатан эгаллаган ўринда бўлиши лозим. “...синтаксисга тенг келувчи янги соҳанинг шаклланишига эҳтиёж сезилмоқда, - деб ёзган эди Е.Д.Поливанов, - лекин синтаксис сўз бирикмаларининг умумий типларини, хусусиятларини ўрганса, янги шаклланадиган соҳа лексемаларнинг ўзаро муносабати асосида юзага келадиган бирикмаларнинг конкрет, индивидуал (лексик) маъно хусусиятлари билан шуғулланади”. У янги шаклланадиган соҳани фразеология ёки идиоматика деб номлаган эди.²

Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясида фразеологик синонимлар таҳлилидан кейин чиқарган қуйидаги илмий хулосаси ҳар жиҳатдан асосли: “Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри тўлиқ характеристика бериш учун синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар

¹ Йўлдошев Б. Ўша асар. – 8-б

² Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. - Л.: 1928. –С.60-61.

турли-туман нуқталарда текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса, бундай имконият озаяди. Қай даражада бўлмасин, синонимларни ўзаро алмаштиришга йўл қўювчи контекст мавжуд бўлади. Бундай алмаштириш билан нимадир йўқотилади, нимагадир эга бўлинади. Худди ана шу “нималардир” синоним ибораларнинг ҳар бирига тилда яшаш ҳуқуқини беради”¹.

Ишнинг кейинги бобида фразеологик вариация ҳодисаси ўрганилади. Бунда олим фразеологик вариацияни фразеологик синонимиядан фарқлашга алоҳида диққат қилади. Олимнинг талқинича, ҳар қандай фраземани фразеологик вариант дейиш учун қуйидаги белгилар инобатга олиниши лозим:

“1) вариантлар деб қаралувчи қурилишлар турли-туман лексик, грамматик ўзгартишлар туфайли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага, бир асосга бирлашуви лозим;

2) вариантлар деб қаралувчи қурилишлар асосида айна бир образ ётиши лозим (бу образнинг вариантларга кўра сўниш-сўнмаслигидан, қай даражада уқилишидан қатъий назар);

3) вариантлар деб қаралувчи қурилишлар айна бир маънони англатиши лозим (улар ўзаро маънонинг кучли-кучсизлигида, нутқий, стилистик белгиларида фарқ қилиши мумкин);

4) ўзаро ўсиб чиққан вариантлар қурилишида умумий лексик компонент бўлиши шарт (икки ва ундан ортиқ иборанинг қурилишида умумий лексик компонентнинг мавжуд бўла олишидан қатъий назар)”²

Умуман олганда, Ш.Раҳматуллаев таъкидлаганидек, вариантлашиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги сақланади. Вариантлашиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1966, 131-б.

² Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. -145-б

ибораларга хос яхлитликни емирмайди, парчаламайди, балки иборага хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс холда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа ибора барпо қилинади.¹

Тадқиқотчи олим А.Э.Маматов қатъий қилиб таъкидлаганидек, “фразеологияни кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун бирликлар фразеологик бирликлар таркибига киритилиши шарт.²

Баъзи ишларда ФБларни эркин сўз бирикмалари, қўшма сўзлар сингари бирликлардан фарқлашга интилиш ҳоллари сезилади. Лекин бу ишларда ҳам тўғри, ҳаққоний фикр-мулоҳазалар билан бир қаторда айрим чалкаш фикрлар ҳам айтилмоқда. Масалан, А.Абдуллаев тилимизда мавжуд бўлган *қўлга олмоқ, қўл қўймоқ, овоз бермоқ, бола кўрмоқ, тилдан қолмоқ, кўздан йўқолмоқ, ишдан чиқмоқ, тилга олмоқ, овозга қўймоқ* каби ФБларни “бошқарув асосида юзага келган бирикмалар” деб ҳисоблайди.

Тилшуносликда тил бирликларини таҳлил этишнинг янгича усуллари пайдо бўлмоқда. Бундай усуллар орқали ҳар қандай тил бирлигининг тавсифий белгилари билан бирга уларни ўзига яқин бўлган, кўп жиҳатлари билан ўхшаш бошқа бирликлар билан ҳам солиштирилади. Бунинг натижасида ҳар қандай тил бирлигининг ўзига хос хусусиятлари тўлароқ ёритилади ва ҳар қайси тил бирлигининг бошқа бирликлардан фарқи орқали тил системасида тутган ўрни аниқланади.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 145-б

² Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991, 212-б.

Фразеологик бирликлар ҳам тил системасида ўзининг ифода имкониятлари билан фарқланувчи тил бирлиги сифатида ўрин тутди. Фразеологизмлар гарчи сўз бирикмалари, жумлаларга яқин турса-да, маъно хусусиятлари билан луғавий маъноли бирликларга, лексемаларга ўхшайди, чунки фразеологик бирликлар ҳам тилда умумий, имконият сифатида турувчи эмик бирлик саналади. Фраземалар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади.

Тилшуносликда тадқиқ этилган ибораларга доир ишларда уларнинг семантик хусусиятлари яхлит ҳолда ўрганилган. Ушбу изланишларнинг аксарияти мазмунан сўзга тенг келувчи фразеологик бирликларнинг кўп маънолилиқ, омонимлик ёки синонимлик имкониятларини таҳлил этишга қаратилади.

Ўзбек тили ўзининг бой ифода имкониятлари билан ажралиб туради. Бундай имкониятлардан бири иборалар орқали фикрни баён қилиш ҳисобланади. Иборалар гарчи сўз бирикмалари, жумлаларга яқин турса-да, маъно хусусиятлари билан луғавий маъноли бирликларга, лексемаларга ўхшайди, чунки фразеологик бирликлар ҳам тилда умумий, имконият сифатида турувчи эмик бирлик саналади.¹ Бунда уларнинг барқарорлик белгиси ҳисобга олинади.

Тилшуносликда тил бирликларини таҳлил этишнинг янгича усуллари пайдо бўлмоқда. Бундай усуллар орқали ҳар қандай тил бирлигининг тавсифий белгилари билан бирга уларни ўзига яқин бўлган, кўп жиҳатлари билан ўхшаш бошқа бирликлар билан ҳам солиштирилади. Бунинг натижасида ҳар қандай тил бирлигининг ўзига хос хусусиятлари тўлароқ ёритилади ва ҳар қайси тил бирлигининг бошқа бирликлардан фарқи орқали тил системасида тутган ўрни аниқланади.

Фраземалар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлган, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади. Бундай

¹ Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларида. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.-48-бет.

ифода усули бошқа тил бирликларида тўла қамраб олинмайди. Ҳар қандай фикрнинг коннотатив (кўчма) усул билан ифодаланиши турли бирликларда – фонема, морфема, лексемаларда ҳам учрайди, аммо фраземаларнинг барчаси шу усул билан кўзга ташланади.

I БОБ.
ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Системавий тилшуносликнинг ривожланиши ва тил бирликларининг структур-функционал таҳлилининг кенг тармоқ отиши натижасида лингвистик бирликларнинг фақат шаклий томонигина эмас, балки мазмуний томони ҳам структуравийлик хусусиятига эга бўлди.

Лингвистик бирликларнинг муайян мазмуний майдонларга бирлашуви, майдонга бирлашган узвларнинг иерархик тузилиши ва улар ўртасида гиперо-гипонимик муносабатнинг мавжуд бўлиши лингвистик семантикадаги ана шу структуравийликнинг ёрқин кўринишидир.

Лингвистик бирликларни майдонларга бўлиб ўрганиш бошлангандан, лингвистик майдон тушунчаси пайдо бўлгандан буён унинг моҳиятига турлича ёндашув кўзга ташланади. Аввало, мазмуний майдон муайян лингвистик бирликларнинг маълум мазмуний умумийлик асосида бир бутун таркибига бирлашувидир. Ана шу хусусият мазмуний майдонни парадигма тушунчаси билан яқинлаштиради. Лекин парадигма тилнинг фақат бир сатҳга мансуб бўлган гомоген бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир бутун таркибига бирлашуви ҳисобланиши билан характерланади. Парадигмадан фарқли равишда мазмуний майдон аъзолари турли сатҳга мансублик белгиси билан ёки гетерогенлик белгиси билан фарқ қилади.

Кўринадики, парадигма билан мазмуний майдон ўртасидаги муҳим фарқловчи белгилар бир сатҳлилик – турли сатҳлилик ва гомогенлик – гетерогенликдир. Бундан шу нарса маълум бўладики, баъзан бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ҳам бир мазмуний майдон таркибига бирлашиши мумкин. Бундай вақтда парадигма ва мазмуний майдон тушунчалари ўзаро максимал яқинлашади ва улар фақат битта фарқловчи белги билан: гомогенлик-гетерогенлик белгиси билан ўзаро зид муносабатда бўлади. Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар бир мазмуний майдонга бирлашганда, улар

ўртасидаги гетерогенлик белгиси турли сўз туркумларига мансубликда намоён бўлади.

Таъкидлаш керакки, бир сўз бир неча мазмуний майдоннинг аъзоси бўлиши мумкин. Чунки лексик бирликларнинг мазмуний мундарижаси, яъни семемаси бир неча семаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ҳар бир семаси шу лексеманинг алоҳида-алоҳида майдонларнинг аъзоси бўлишига имконият яратади. Бу эса майдонлар ўртасидаги узвий алоқани таъминлайди.

Мазмуний майдон аъзоларининг бир сатҳга ёки турли сатҳга мансуб бўлишлик белгисидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси бир умумий тушунчани ифодалаши билан бирлашади. Демак, мазмуний майдон аъзоларининг ҳаммасида уларнинг ҳар бирида такрорланувчи бирлаштирувчи (интеграл) сема мавжуд бўлади. Ана шу интеграл сема майдон ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда мазмуний майдоннинг ҳар бир аъзоси бошқалардан фарқ қиладиган фарқловчи (дифференциал) белгига ҳам эга. Натижада мазмуний майдон аъзоларининг ҳар бири интеграл ва дифференциал семалар муносабати бирлигидан ташкил топади. Интеграл семалар шу бирликларнинг марказий (ядро) семалари сифатида уларни айни мана шу мазмуний майдонга бирлаштиришга хизмат қилса, фарқловчи семалар чегара семаларни ташкил қилади ва улар бу майдон аъзоларини бошқа майдонлар таркибига киритишга имкон беради. Демак, мазмуний майдон аъзоларининг чегара семалари майдонлар ўртасидаги узвий алоқани таъминлаш учун хизмат қилади.

Лингвистик бирликларни мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш структур семантиканинг асосий методларидан бири саналади. Мазмуний майдон объектив борлиқ ҳақидаги инсон тушунчалари ва бу тушунчаларни ифодаловчи лингвистик воситалар ўртасидаги муносабатни ўз ичига олганлиги туфайли, у тилнинг когнитив аспекти билан узвий алоқадордир. Чунки лингвистик бирликларнинг бир умумий майдонга мансублиги шу тил эгаларининг умумий билиш фонди билан узвий алоқадордир. Агар

коммуникантлар олам узлари ва онгда акс этган у ҳақдаги тушунчаларнинг тил ифодалари ҳақида умумий билиш кўникмасига эга бўлмаса, улар ўртасида бир-бирини тушуниш ва лингвистик бирликлар бир мазмуний майдонга киритиш ёки бир хил мазмуний майдонга мансублигини англаш имконияти бўлмайди.

Мазмуний майдон лингвистик бирликлар ифодалаган тушунчалар умумийлиги асосида ҳосил бўлар экан, унинг таснифи ҳам ана шу белги асосига таянмоғи лозим бўлади. Ана шундай тушунчалар сирасига *темпораллик, локаллик, модаллик, аспекттуаллик* ва бошқа шу каби тушунчаларни киритиш мумкин. Бу тушунчалар барча тиллар ва муайян бир тилнинг барча сатҳлари учун универсал ҳодиса бўлиб, тиллараро ёки бир тилнинг сатҳлариаро турли хил ифодаланиш хусусиятига эга.

Фразеологик бирликлар ҳам тил системасида ўзининг ифода имкониятлари билан фарқланувчи тил бирлиги сифатида ўрин тутди. Фразеологизмлар гарчи сўз бирикмалари, жумлаларга яқин турса-да, маъно хусусиятлари билан луғавий маъноли бирликларга, лексемаларга ўхшайди, чунки фразеологик бирликлар ҳам тилда умумий, имконият сифатида турувчи эмик бирлик саналади.¹ Бунда уларнинг барқарорлик белгиси ҳисобга олинади. Кўпчилик тилшунос олимлар фразеологик бирликларни фразема деб атайдилар. Фраземалар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлган, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади. Бундай ифода усули бошқа тил бирликларида тўла қамраб олинмайди. Ҳар қандай фикрнинг коннотатив (кўчма) усул билан ифодаланиши турли бирликларда – фонема, морфема, лексемаларда ҳам учрайди, аммо фраземаларнинг барчаси шу усул билан кўзга ташланади.

Ўзбек тилидаги мавжуд фразеологик бирликларнинг семантик нуқтаи назардан фарқланувчи гуруҳлар ҳосил қилишида улар таркибидаги лексемаларнинг етакчи семалари муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ибораларни семик таҳлил қилиш ҳам ўзига хос самара беради.

¹ Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларида. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.-48-бет.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларнинг шаклланиш белгилари, маълум услубий жиҳатлари, уларнинг изоҳлари билан боғлиқ масалаларда айрим олимларнинг карашлари мавжуд. Фразеологизмлар тадқиқида уларнинг семантик хусусиятлари ҳам алоҳида ўрин тутаети, бу муаммо мутахассислар томонидан етарлича ўрганилмаган.

I.1.Ижтимоий-иқтисодий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларни мазмуний жиҳатдан тасниф қилиш уларнинг ифода имкониятларини тўлиқроқ ёритади. Ижтимоий ва иқтисодий белги асосида маълум умумий сема орқали бирлашган фразеологизмлар ҳам тилимизда катта аҳамиятга эга. Бу фразеологизмларни ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳолат асосидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. Бу маъно гуруҳларининг ҳар қайсиси ўз ичида яна бўлинади, бўлиниш учун фраземаларга хос фарқловчи семаларнинг ўрни муҳим.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолат билдирувчи фраземалар таркибига *бошидан ошиб ётмоқ, тиши ўтмайдиған, бошига етса оёғига етмайди, қўли юпқа, ўзига тўқ, бўйни йўгон, бошига кўтармоқ, бурнини ерга шиқамоқ, бўйнидан соқит қилмоқ, бўйнига олмоқ, бўйнига қўймоқ* сингари иборалар киради. Бу гуруҳга кирувчи фраземалар иқтисодий тўқлик, иқтисодий етишмовчилик, ижтимоий юқорилик ва ижтимоий пастлик каби маъноларни англатади.

Юқоридаги икки гуруҳнинг бўлиниши шартли бўлиб, унда фраземаларга хос иқтисодий тўқлик, иқтисодий етишмовчилик ва ижтимоий юқорилик, ижтимоий пастлик ҳисобга олинади. Масалан, *ўзига тўқ* иборасининг маъноси умумий иқтисодий ҳолатни билдиради.

Иқтисодий ҳолат билдирувчи фраземалар маълум маъно кучайтириш хусусиятига эга бўлиб, улар ифодалаётган иқтисодий белги ўзаро зидланади:

қўли юпқа

бўйни йўгон

қўли қисқа

ўзига тўқ

бошига етса оёзига

бошидан ошиб

етмайди

ётмоқ

Фразеологизмлар семантик структурасидаги белгиларнинг ўзаро зидланиши ижтимоий ҳолат билдирувчи фразеологизмларда ҳам кузатилади. Масалан, *бошига кўтармоқ* фраземасидаги “хурмат” семаси “бошга кўтарилаётган” шахснинг ижтимоий жиҳатдан юқориликка ишора қилади. *Бурнини ерга ишқамоқ* фраземасидаги “жазо” семаси “ижтимоий пастлик” семасига ишора қилади.

Бўйнидан соқит қилмоқ, бўйнига қўймоқ, бўйнига олмоқ каби фразеологик бирликларни “масъулият” семаси бирлаштириб туради. *Бўйнига олмоқ* ибораси масъулиятни ўзига олишни билдирса, *бўйнидан соқит қилмоқ* ибораси, аксинча масъулиятдан қутулишни англатади.

Бой бермоқ фраземаси йўқотмоқ лексемаси билан бир синонимик қаторда турса ҳам, кўп ҳолларда контекстдан иқтисодий йўқотиш мазмуни келиб чиқади.

Тилмоч қиморга ўзини урди. Омади кетиб, ҳовли-жойни бой бериб қайнотасининг уйига кўчиб келди.

“Ижтимоий ҳолат” семали ФСГ таркибида “хурмат” семасига эга бўлган ФБлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. *Бошига кўтармоқ, бир сўзи икки бўлмади, икки букилиб, бажо келтирмоқ, ерга урмоқ, бир пул, бир пуллик, бир пул бўлмоқ* сингари ФБларни шу микрогуруҳнинг ташкил этувчилари дейиш мумкин. Бу ФБларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

бошига кўтармоқ

ерга урмоқ

бир сўзи икки бўлмади

бир пул

икки букилиб

бир пуллик

бажо келтирмоқ

бир пул бўлмоқ

Биринчи гуруҳга кирувчи иборалар “хурмат” белгисининг юқорилиги билан иккинчи гуруҳдаги ФБлардан фарқланади.

Қон-қариндошлик белгиси билан фарқланган¹ лексемаларнинг семантик таҳлили оилавий аҳвол ифодаловчи фразеологизмларга *кўнгли ярим, боши очик, боши боғлиқ, бағри тўла, бир ёстиққа бош қўймоқ, бошини иккита қилмоқ, бошларини қовушитирмоқ* каби иборалар киради. *Кўнгли ярим ибораси* ҳам оиладаги бирор яқин шахснинг – ота, она, фарзанд, эр қабиларнинг вафот этганини билдиради ва шу билан бирга, айрим ҳолларда оилавий иқтисодий аҳволи ночор, камбағал одамларнинг ҳам аҳволини билдиради.

Оилавий аҳвол ифодаловчи фразеологизмлар ҳам оилавий ҳолатнинг бекаму кўстлиги ёки етишмовчилиги воситасида зидланади:


бағри тўла

кўнгли ярим

боши боғлиқ

боши очик

Ўзбек тилидаги ижтимоий ҳолат асосида бирлашган иборалар ўз ичида ўзаро антонимик, синонимик, кўп маънолилиқ муносабатларини ифодалайди.



¹Нарзиева М. Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили// Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 5-сон. Саидова М. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол.фанл.номз....дисс.автореф. Тошкент, 1995. ва бошқ.

I.2. Рухий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар

Шахс номлари гуруҳи ўзбек тили лексик қатламининг ўзига хос кенг камровли маъновий (семантик) қисмини ташкил этади. ШНМ (шахс номлари майдони) бошқа лексик бирликлардан "шахс" умумий семаси билан ажратилади, унда шахсни номлаш билан бир қаторда, эгаларининг хатти-харакатлари, феъл-атвори хусусида ҳам маълумот олинади. Шахс номлари инсонни турли белгилар эгаси сифатида кўрсатади.

Шахс майдони бирликларининг ички таснифи натижасида кишига хос бўлган жисмоний ва физиологик хусусиятлар, эмоционал-ҳиссий ҳолатлар, фикрлаш ва дунёқараш характери, фикрлаш усуллари, дид-фаросат, одат, билим, хулқ-атвор, вазифа, машғулот, турлича алоқалар, вазият билан боғлиқ хусусият, борлиққа муносабат ва шу каби қатор белгилар атрофлича намоён бўлади.

Шахс микромайдонига мансуб фразеологик бирликлар ҳам ўз ичида муайян микрогуруҳларни бирлаштиради. Ўзбек тилидаги инсонга хос рухий ҳолат ифодаловчи фраземалар ҳам "шахс" архисемаси асосидаги микромайдонга киритилади. Бундай микромайдонга мансуб фразеологик ифодаларнинг шаклланишида киши руҳияти билан боғлиқ лексемалар муҳим ўрин тутди. Жумладан, *қаҳр, жаҳл, кўнгил, дил, асаб, авзо, кайф, жон, гаши, хасрат, таъб, боши, бағр* кабилар воситасида руҳият билан боғлиқ иборалар шаклланади.

Дил лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *дили ёришиди, дили сиёҳ бўлди, дилида сиёҳлик бор, дили оғриди, дили хира, дили гаши, дили чоғ.* "Кўтаринкилик" семаси асосидаги *дили ёришиди, дили чоғ* иборалари "тушкунлик" семасига эга бўлган *дили сиёҳ бўлди, дили оғриди, дили хира, дили гаши* фраземаларига зидланади. Бу ўринда *ёришмоқ* лексемаси таркибидаги "тиниқлик", "ёруғлик" семалари, *чоғ* лексемасидаги

“хурсандлик” семаси; *сиёҳ* лексемасидаги “қоралик”, *ғаш* лексемасидаги “хафалик” семалари ҳам руҳий кайфиятни белгилаш учун асос бўлади.

Кўнгли лексемаси орқали шаклланган *кўнгли ёришиди, кўнгли ғаш, кўнгли оғриди* иборалари ҳам юқоридаги бирликлар билан ўзаро синонимик муносабатдаги, айримлари вариантдош бўлган фраземалар саналади. Шунингдек, *кўнглига қил сизмайди, кўнгли совуди, кўнгли чўкди* сингари тушкунлик билан боғлиқ, *кўнгли кўтарилди, кўнгли ёзилди, кўнгли очилди* каби “кўтаринкилик” билан боғлиқ фраземалар ҳам нутқий таъсирчанликни оширишда катта хизмат қилади.

Кўнгли, дил лексемаларига синоним тарзида қўлланилувчи **ич** лексемаси иштирокида ҳам кўплаб ФБлар шаклланган бўлиб, улар шахсинг руҳий ҳолатини англатиш учун хизмат қилади. Бундай ФБлар қаторига *ичи ачиди, ичини кемирмоқ, ичини мушук таталаяпти, ичи пишиди* сингари бирликларни киритиш мумкин. Кўриниб турибдики, **ич** лексемаси орқали шаклланган ФБлар “руҳий ҳолат” семаси билан бир қаторда “баҳо”, яъни “салбий баҳо” семасига ҳам эга. Бундай семага эга бўлишида ФБлар таркибидаги *ачиди, кемирмоқ, таталамоқ* лексемалари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бу қаторга кирувчи *ичи пишиди* фраземаси “тоқатсизланмоқ” семасига эга бўлиб, бу ҳолат ҳам инсон руҳиятидаги салбийликни ифодалаш учун хизмат қилади.

Кайф лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *кайфи чоғ, кайфи бузуқ, кайфи хуш, кайфи очилди*. Ушбу фраземалар ҳам инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ хурсандлик, кўтаринкилик ҳамда хафалик, ғашлик белгиларини намоён қиляпти, асосий ҳолат кайф лексемаси билан синтагматик муносабатга киришувчи бирликлар воситасида намоён бўлмоқда.

У Саодатнинг нимадандир кайфи бузилганлигини сезиб турарди(С.З.).

Жон лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *жонидан тўйиб кетмоқ, жони бўғз(ҳалқум)ига келмоқ, жонидан тўймоқ, жонидан безор бўлмоқ, жон кирди, жонига ора кирмоқ, жон куйдирмоқ, жони ачийди, жони*

чиқмоқ, жон ҳолатда, жонини ҳовучлаб, жонидан умидини узмоқ, жон-пони чиқиб кетмоқ, жон кошки эди, жон деб, жонини ҳам аямаслик, жон фидо қилмоқ, жонига тегмоқ сингари. Ушбу қатордаги жон лексемаси билан боғланаётган ҳаракат семали лексемалар мустақил ҳолда инсон руҳий ҳолатини ифода этмаса-да, жон сўзи билан бирга асосан коннотатив маъноли ифодаларни шакллантирмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, фраземалар омонимик характерга ҳам эга бўлиб, бу ўринда муайян вазият билан боҳлик натижа асосида юзага келган руҳий ҳолатнинг таъсирчан ифодаси ёритилипти.

Ўзбек тилида **бош** сўзи воситасида шаклланган иборалар бошқа шундай бирликлар сингари маънони кучайтириш, сўзловчи фикрини тингловчига бўрттириб кўрсатиш мақсадида қўлланилади. Жумладан, *бош оғриги, боши кўкка етмоқ, бошини урмоқ, бошига битган, бошида данак чақмоқ...*

Бошнинг маълум даражадаги жисмоний ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *бошини қуйи эгмоқ, бош эгмоқ, боши ҳам бўлмоқ, бошини ҳам қилмоқ, бошини букмоқ, бош кўтармоқ, боши осмонда, боши кўкка етди, боши айланди, бошини айлантирмоқ* каби. Бундай иборалар бошнинг ҳаракати, ҳолатини тасвирлаш орқали инсонда кечаётган маълум руҳий ҳолатни очиб беради. Масалан, *бошини қуйи эгмоқ* ибораси уят-номусдан бошини кўтара олмаслик ҳолатини билдиради.

Бошини қаёққа урсин, бош оғриги, бошида ёнғоқ чақмоқ, бош оғриги иборалари салбий руҳий ҳолатга ишора қилади. Масалан, *бош оғриги* фраземасидаги “ташвиш” семаси шахс руҳий ҳолатининг ёмонлашуви учун восита ҳисобланади.

Бағр лексемаси асосида шаклланган *бағри қон, бағри тош, бағрини эгмоқ* иборалари ҳам инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ “хафалик”, “бемехрлик” семаларини ўзида намоён қилади.

Ўзбек тилидаги “баландлик” семасига эга бўлган *кўк, осмон, кўтарилмоқ, учмоқ* лексемалари асосида шаклланган фраземалар хушнудлик,


хурсандлик белгилари орқали умумлашган гуруҳни ташкил қилади ва инсон руҳиятига хос ижобий кайфиятни ифода этади.

Ўз навбатида *жаҳл, қаҳр, алам, азоб, ҳасрат, эгмоқ, оғримоқ, бузилмоқ* лексемалари ёрдамида юзага келган *жаҳли чиқмоқ, қаҳри келмоқ, азоб чекмоқ, кўнгли оғримоқ, ҳасратидан чанг чиқмоқ* фраземалари инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ салбий жараёнларни намоён этишга хизмат қилади.

Уйга борса, хотинининг ҳасратидан чанг чиқарди (Т.П.).

Ушбу фраземада киши руҳиятидаги “норозилик” семаси яққол кўзга ташланиши билан бирга, “руҳий ҳолат”, “тушкунлик” семалари ҳам сақланган.

Ўзбек тилидаги мавжуд фразеологик бирликларнинг семантик нуқтаи назардан фарқланувчи гуруҳлар ҳосил қилишида улар таркибидаги лексемаларнинг етакчи семалари муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ибораларни семик таҳлил қилиш ҳам ўзига хос самара беради.



1.3. Жисмоний ҳолат билдирувчи фразеологизмлар

Ўзбек тилшунослигида ёш ва жинс белгиси англатиш тилшунослар эътиборини тортган.¹ Шунингдек, фразеологизмлар таҳлилида ҳам уларнинг шаклланиш, маъно кўчиш масалаларига қаратилган муаммолар кўрсатиб

¹ Нарзиева М. Юқоридаги асар.

ўтилган.¹ Бироқ фразеологизмларнинг семик таҳлилига махсус равишда эътибор кузатилмайди. Жисмоний ҳолат билдирувчи фразеологик бирликлар шулар сирасига киради. Бу ФСГга “ёш” семали, “туғилиш” ва “ўлим” семали, “саломатлик” семали, “ташқи кўриниш” семали ва шу каби бир қатор ФБлар киради.

Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да айрим ёш англатувчи фразеологик ибораларни келтириб ўтган² бўлишига карамай, бундай белгига эга бўлган иборалар анча кам учрайди.

Ёш белгиси билан алоҳида фарқланувчи фразеологизмлар қаторига *она сути оғзидан кетмаган, балогатга етган, суяги қотмаган, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, эсини таниган, шарти кетиб, парти қолган, ўн гулидан бир гули очилмаган* каби иборалар мансуб. Бундай фразеологизмлар учун хос бўлган умумий маъно белгиси “ёш” семаси саналади. Ўз таркибида бундай фразеологизмларни “ёшлик” ҳамда “кексалик” белгиси билан зидланган фразеологизмларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, уларнинг ҳар қайсиси маълум ички белгилари билан фарқланади. Дастлабки бўлинишда улар қуйидагича гуруҳланади:

- “гўдаклик” семали фразеологизмлар;
- “навқиронлик” семали фразеологизмлар;
- “кексалик” семали фразеологизмлар.

Биринчи кичик гуруҳга *суяги қотмаган, она сути оғзидан кетмаган* фразеологик бирликларини киритиш мумкин. Уларда мавжуд ёш белгиси билан бирга, “гўдаклик” семаси кузатилади.

Буни қаранг-а, менга ҳали она сути оғзидан кетмаган бир бола ақл ўргатса-я! (С.А.)

Иккинчи гуруҳга эса *балогатга етган, бўйи етган, ўн гулидан бир гули очилмаган, эр етган, оқ-қорани таниган, эсини таниган, барқ урмоқ* иборалари киради. Буларнинг айримларида жисмоний қувват белгиси

¹Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол .фанл док. ... дисс. автореф. Тошкент, 2000.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

(*балозатга етган, бўйи етган, эр етган, ўн гулидан бир гули очилмаган*), айримларида ақл белгиси (*эсини таниган, оқ-қорани таниган*) устунлик қилади.

Асалхоннинг бўлса ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган эди. (Х.Ғ.)

Берилган гапда иштирок этган ибора орқали персонажга хос бўлган ёшлик, етуклик, гўзаллик белгиси ҳам намоён бўлмоқда.

“Кексалик” семали фразеологизмлар таркибида *бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, шарти кетиб парти қолган* иборалари таҳлил қилинади. Чунки бу бирликларда “кексалик” ҳамда “қувватсизлик” семалари гавдаланмоқда. Ш. Раҳматуллаев *бир оёғи ерда (тўрда), бир оёғи гўрда* иборасини шундай изоҳлайди:

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда – умри тугай деб қолган¹.

Демак, ушбу изоҳ орқали фразеологик бирликнинг фақатгина кексалик белгиси билан эмас, балки беморлик белгиси билан ҳам ифодаланишини назардан соқит қилмаслик керак.

Менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда бўлса, тўсатдан ўлиб қолсам... (Ў.А.)

Ўзбек тилида баъзан кишиларга хос бўлган ёш белгисини акс эттириш учун *кўзи(м) тириклигида* ибораси ҳам тез-тез ишлатилади. Бу ибора кўпинча ёши кексайган шахслар томонидан ишлатилишини назарда тутсак, унда ҳам “ёш”, “кексалик” семасининг мавжуд эканлиги аниқ кўриниб қолади.

Ушбу фразеологизмларнинг ёш белгисини аниқроқ ифодалаш учун улар ўртасидаги даражаланиш муносабатини² кўрсатиб ўтиш мумкин:

суяғи қотмаган - балозатга етган - ўн гулидан бир гули очилмаган - шарти кетиб парти қолган - бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда

Жисмоний ҳолат ФСГга “туғилиш” ва “ўлим” семали ФБлар ҳам кўплаб учрайди: *дунёга келмоқ, дунёдан кетмоқ, дунёдан ўтмоқ, жони*

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўша луғат, 41-бет.

² Бундай муносабатлар тўғрисида проф. О.Бозоровнинг махсус тадқиқоти яратилган: Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент: Фан, 1995.

узилди, жон бермоқ, жони чиқди, ер тишламоқ, ёстиғи қуриди. Бу қатордаги *дунёга келмоқ* фразеологизми “туғилиш” семали ФБ ҳисобланади. Унинг варианты бўлган *дунёга келтирмоқ* бирлиги “туғмоқ” семасига эга. Шу семасига *кўра кўзи ёримоқ, жон бермоқ* фразеологизми билан бир парадигмада ётади. *Дунёдан кетмоқ, дунёдан ўтмоқ* ФБлари “ўлим” семасига эга бўлиб, *дунёга келмоқ* бирлиги билан антонимлик ҳосил қилади. *Жони узилди, жон бермоқ, жони чиқди* ФБларининг семантик структурасида ҳам “ўлим” семаси мавжуд. Улар кўп ҳолларда “вақт” семали бирликлар билан синтагматик муносабатга киришади ва ўлим пайтига ишора қилади.

Ётган ерида тўлғана-тўлғана, қоронғи тушганида жони узилди.

(М.)

Ер тишламоқ, ёстиғи қуриди, ер билан яксон бўлмоқ иборалари ҳам “ўлим” семали бирликлар ҳисобланади. Улар “сабаб” валентлигига эга бўлиб, шундай мазмундаги бирликлар билан боғланади. “Ўлим” семали фразеологизмлар қаторига *жонини олмоқ, бошига етмоқ, бошини емоқ* каби бирликларни ҳам киритиш мумкин.

Жони бор, жон кирди иборалари ҳам жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГ таркибига кириб, “ўлим” ва “ҳаёт” семаларига эга.


Жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГда “саломатлик” семасига эга бўлган бирликлар ҳам ўрганилади. *Ёстиқдан бош кўтармоқ, бош кўтармоқ, боши ёстиққа етганда* ФБлари айнан шу семага эга бўлган бирликлар қаторига кирилади. “саломатлик” семаси юқоридаги ҳар учала ФБда ҳам мавжуд бўлса-да, *боши ёстиққа ётганда* фразеологизми “ёмонлашиш” семаси билан юқоридаги икки ФБдан фарқланади.

Ушбу ФСГга кирувчи “ташқи кўриниш” семаси билан умумлашувчи ФБларни шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин: “чиройли” ҳамда “хунук” семали ФБлар. “чиройли” семасига эга бўлган *истараси иссиқ* ёки *юлдузи иссиқ* бирликлари ҳар икки жинс вакиллари учун бирдек қўллангани ҳолда, *бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай* бирлиги фақат аёл жинсидаги

инсонлар учун қўлланилади. *Афти совуқ* ёки *сўхтаси совуқ* “хунук” семали бирликлар қаторида ўрганиш мумкин.

Бундан ташқари жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГ таркибига яна бир қатор: *дабдаласи чиқди*, *абжағи чиқди* (жисмоний ҳолатнинг “ёмон”лиги), *бардош бермоқ*, *зуваласи пишиқ* (жисмоний ҳолатнинг “яхши”лиги), *донг қотмоқ* (“уйку”), *бел олишмоқ* (“синов”) сингари ФБларни кўриб ўтиш мумкин.

Умуман, ибораларга хос бой ифода имкониятларини чуқур таҳлил этиш тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини кенгроқ очиш учун хизмат қилади.



I.4. Ақлий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар

Ақлий ҳолат билдирувчи фразеологик семантик гуруҳларни шартли равишда фаолият ва ҳолат англатувчи гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга бевосита инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ фраземаларни

киритиш мумкин: *бошини озритмоқ, боши билан шўнғиб кетмоқ, бир кесак билан икки қуённи урмоқ, аравани қуруқ олиб қочмоқ, аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ, баҳо бермоқ, зеҳн солмоқ, боғдан келса, тоғдан келмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ, ёдидан кўтармоқ, гаплари бир жойдан чиқмоқ, миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан ўтмоқ, кўнглидан ўтмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ, бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетмоқ.*

Бу ФСГга кирувчи *бошини озритмоқ, боши билан шўнғиб кетмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ* ФБларини “ўйламоқ”, “астойдил киришмоқ” семалари бирлаштиради. Бу ФБлар инсонни ақлий фаолиятга каттиқ киришганлигини билдиради.

Аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ, баҳо бермоқ ФБлари “эътибор” семаси ёрдамида умумийлик ҳосил қилади. Ақлий фаолият сифатида *аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ* фраземалари биринчи босқич - “диққат”, “эътибор” босқичини билдирса, *баҳо бермоқ* фраземаси бевосита кейинги босқич - “хулоса”, яъни “эътибор”нинг натижасини англатади.

Ақлий фаолият ФСГига кирувчи *миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ* фраземалари “ўйламоқ” семаси билан бир қаторда “бирдан”, “тез” семаларига ҳам эга бўлиб, бу семалар парадигмага мансуб бўлган бошқа бирликлардан фарқлаш учун хизмат қилади ва юқоридаги ФБларни “вақт” архисемали ФСГга киритиш учун асос бўлади.

Ҳаракатнинг кучайиши билан боғлиқ маъно, яъни фикрнинг ниҳоятда тез равишда мияга келиши учун *чақмоқдай чақнади* ифодасидан ҳам фойдаланилади:

«Дадам! Дадамлар қайтибдур!» деган фикр миясида чақмоқдай чақнади-ю, уй тўла эркак экани эсидан чиқиб, меҳмонхонага қараб югурди (О. Ёкубов).

Хаёлидан ўтмоқ фраземаси «ўйламоқ», «фаҳмламоқ» семалари билан парадигманинг ташкил этувчи аъзоси ҳисобланади. *Хаёлидан ўтмоқ* фраземасининг “вақтинча”, «маълум бир вақт оралиғида», «давомли»

семалари бу фраземанинг хусусий белгиси саналади. *Хаёлидан ўтмоқ* фраземаси фикрнинг маълум бир муддат, давомли юзага келиши, мияни маълум бир вақт оралиғида банд қилишлик маъноларини англатади.

Иккинчи кичик гуруҳга ақлий ҳолат билдирувчи ФБлар қаторига *илоннинг ёгини ялаган, ер тағида илон қимирласа билмоқ, ақли етади, эсини емоқ, эси кирди, ақлдан озмоқ, “бўрк ол” деса бош олмоқ, алифни калтак деёлмаслик, боши шишиди, боши қотди* сингари бирликларни киритиш мумкин. Бу ФБлар инсоннинг умумий ақлий аҳволиини билдириш учун хизмат қилади.

Ушбу қаторга кирувчи *илоннинг ёгини ялаган, ер тағида илон қимирласа билмоқ* бирликлари ақлий ҳолатни билдириб, “ақлли” семаси орқали бирлашади. Бу сема ФБлар таркибидаги *илон* лексемасининг “айёрлик” ва “эҳтиёткорлик” семалари воситасида юзага чиқмоқда.

Эси кирди, ақли етади фраземасида ҳам “ақлли” семаси мавжуд бўлиб, улар “билмоқ” семаси билан юқоридагилардан фарқ қилади. *Эси кирди* ФБи таркибидаги “натижа”, *ақли етади* фраземасидаги “баҳо” семалари уларнинг ўзаро фарқловчи семалари ҳисобланади.

Кўп ишни кўрган бу Зуннунов илоннинг ёгини ялаган. Жуда нозик жойини топибди. (И.Р.)


“*Бўрк ол*” *деса бош олмоқ, алифни калтак деёлмаслик* ФБлари ҳам ақлий ҳолат билдирувчи ФСГга мансуб бўлиб, фраземаларни “ақлсиз”, “укувсиз” семалари бошқа шу қаторга кирувчи бирликлардан фарқлайди. “*Бўрк ол*” *деса, бош олмоқ* фраземасининг “*салласини ол*” *деса, калласини олмоқ* варианты мавжуд бўлиб, бу ФБ ҳам нутқда “ақлсиз”, “содда” семаларини намоён қилади.

Ақлдан озмоқ, эсини емоқ, ақли заиф ФБлари ақлий ҳолатнинг ёмонлигини билдириш учун хизмат қилади. Бу фразеологизмларни “ақлсиз”, “руҳий касал” семалари бирлаштиради.

Ақлий ҳолат билдирувчи ФБларни шартли равишда даражаланиш муносабатига киради дейиш мумкин.

Илоннинг ёғини ялаган-ақли етади-эси кирди-“бўрк ол” деса, бош олмоқ-эсини емоқ-ақлдан озмоқ.

Боши қотди, боши шишиди фраземалари ҳам ақлий ҳолатни билдиради. Бу ФБларда “натижа” семаси мавжуд, яъни ақлий ҳолат ақлий фаолият натижаси сифатида юзага чиқади, узоқ ақлий фаолият натижасида чарчаш ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилади.



1.5. “Вақт” архисемали фразеологизмлар

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар доирасида “вақт”, “замон” семали бирликлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай фразеологизмларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. “Вақт” ядро сема бўлган фразеологизмлар.
2. “Вақт” чегара сема бўлган фразеологизмлар.

Биринчи гуруҳга “вақт” семаси энг муҳим сема саналиб, бошқа семик хусусиятлар иккиламчи характерга мансуб бўлган фразеологизмлар киритилади. Бундай фразеологизмлар қаторига *“ҳаш-наш” дегунча, элдан бурун, икки дунёда ҳам, кўзи тириклигида, кўз очиб- юмгунча, бошига қилич*

келса ҳам, боши ёстиққа етганда, етти ухлаб тушига кирмаган, иш битгунча, эшаги лойдан ўтгунча, тўйдан илгари ногора қоқмоқ каби бирликларни киритиш мумкин.

Бу типдаги фразеологизмларда вақтни ифодаловчи турли маънолар юзага келади: *икки дунёда ҳам, етти ухлаб тушига кирмаган* фразеологизмларида “ҳеч қачон” семаси кўзга ташланадиган бўлса, *бошига қилич келса ҳам* фразеологизми юқоридаги ибораларга зид равишда “доимо”, “ҳар қандай ҳолатда” семаларини англатади.

*Муротали **икки дунёда ҳам** кўчмайди(Ш.Рашидов).*

Бошимга қилич келса ҳам, ҳақиқатни дейман(Ш.Рашидов).

Кўринадикки, юқоридаги фразеологизмларда дифференциал “ҳеч қачон”, “ҳар доим” семалари мавжуд бўлса ҳам, улар “вақт” архисемаси орқали бирлаштирувчи семага эга бўлади.

Кўз очиб юмгунча, “ҳаш-наш” дегунча, “ҳа-ҳу” дегунча фразеологизмлари “жуда тез” семасига эга. Жумладан:

*Қиш. **Кўз очиб-юмгунча** қош қорайиб қоладиган кунларнинг бири(Р.Файзий).*

“Аввал”, “илгари” семаларини *тўйдан олдин ногора қоқмоқ, элдан бурун* фразеологизмлари ўз ичига олади.

*Кампирга айтиб қўйинг, **тўйдан олдин ногора қоқиб** юрмасин(Ғ.Ғуллом).*

Иккинчи гуруҳга “вақт” чегара сема бўлган фразеологизмларни киритамиз. *Алмисоқдан қолган, дақиюнусдан қолган, икки гапнинг бирида, лаби лабига тегмай, она сути оғзидан кетмаган, пичоқ суякка етди, сабр-косаси тўлди* кабилар.

Бу каби иборалар асосан бошқа турли семаларни ифода этиши билан белгиланса-да, “вақт” семасини ҳам ўз таркибига олади. Хусусан, *алмисоқдан қолган, дақиюнусдан қолган* таркибида “нарс”(тушунча) “эски”, “қадимий” семалари мавжуд бўлиб, булар орасида “эски”, “қадимий” семалари “вақт” архисемасига ишора қилади.

*Арава бўлса **алмисоқдан қолган**, яна синибди.*

Икки гапнинг бирида, лаби лабига тегмай ибораларида “гапириш”, “сўзлаш” умумий сема саналиб, “тез-тез”, “одатда”, “тинимсиз” семалари ҳам мавжудки, ушбу сема улардаги фарқловчи семалар сифатида амал қилади. Бу фразеологизмларнинг барчасида “вақт” архисемасига ишора сезилади:

*Ҳожимат **лаби-лабига тегмай** жавраб кетди*(С.Аҳмад).

Ўзбек тилидаги *пичоқ суякка етди, сабр косаси тўлди* сингари айрим фразеологизмлар таркибида “вақт” умумий архисемасидан ташқари, “яқунланиш”, “бардошнинг тугаши”, “норозилик” семалари ҳам бўлиб, улар орқали фикр қаратилган объектга хос образли ифода намоён бўлади. Масалан:

*Герасимовнинг **сабр косаси тўлиб**, жаҳли чиқди*(С.Абдуқаҳҳор).


*Бас, **пичоқ бориб суякка етди**, бошимни эгиб индамай юрганим етар, жонимдан тўйиб кетдим*(Ш.Рашидов).

Берилган гапларда иштирок этган ибораларни юқоридаги бирлаштирувчи семалари асосида ўзаро синонимик муносабатдаги бирликлар сифатида ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу ибораларга маълум маънода қарама-қарши бўлган *она сути оғзидан кетмаган* фразеологизмини келтириб ўтиш мумкин, бу ерда улар ўртасидаги зидлик “бошланиш”, “яқунланиш” семалари саналади.

*Шунча йил биз қилмаган ишни **оғзидан она сути кетмаган** неварамиз тенги бир қиз келиб қилмоқчи*(С.Абдуқаҳҳор).

Кўринадикки, *оғзидан она сути кетмаган* иборасида “вақт” семасига алоқадор бўлган “ёш” семаси мавжуд.

Ўзбек тилининг ўзига хос ифода имкониятларини турли семантик умумийликлар остида бирлашган иборалар орқали ҳам аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунда ибораларни муайян умумий ва хусусий семалар ёрдамида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.



1.6. “Ўрин” архисемали фразеологизмлар

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар доирасида “ўрин”, “макон” семали бирликлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Ўрин-жой маъносига эга бўлган фразеологик бирликлар таҳлили баъзи муаллифларнинг у ёки бу нуқтаи назардан эътиборини тортмоқда. И.Қудратова макон муносабатини юзага чиқарувчи айрим воситалар хусусидаги мақоласида от, сифат туркумига хос бўлган лексемалар ҳамда фразеологизмлар орқали ўрин-жой маъносининг ифодаланишига доир баъзи қарашларини билдириб ўтган.¹ Бундай фразеологизмларни биз шартли равишда икки гуруҳга ажратамиз:

1. “Ўрин” марказий сема бўлган фразеологизмлар.
2. “Ўрин” чегара сема бўлган фразеологизмлар.

Биринчи гуруҳга мансуб ибораларда “ўрин” семаси энг муҳим сема саналиб, бошқа семалар кўшимча маъно характерига эга бўлади. Бундай фразеологизмлар қаторига *дунёнинг бир чети, етти иқлим, тупканинг таги, инсон оёқ босмаган жой, инсон қадами етмаган жой, икки олам, боши оққан*

¹ Қудратова И. Макон муносабатининг ифодаланиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 3-сон.- 112-114-бетлар.

томонга, кўз илгамас жой, йўл бўлсин, бошини олиб(чиқиб кетмоқ) сингари бирликларни киритиш мумкин.

Мазкур фразеологизмларда ўрин-жойни ифодаловчи турли ички маънолар юзага келади: *икки олам, етти иқлим* фразеологизмларида “дунё”, “борлиқ” семаси кўзга ташланади. Бундай фраземалар нутқ жараёнида, асосан, дунёда ёлғизликни ёки йўқлик маъносини кучайтириш учун қўлланилади.

Дунёнинг бир чети, тупканинг таги, инсон оёқ босмаган жой, инсон қадами етмаган жой фразеологизмлари “хилват”, “узок” семаларини англатиб, *дунёнинг бир чети, тупканинг таги* иборалари инсонлар кам бўлган ўринларни билдириш учун хизмат қилса, *инсон оёқ босмаган жой, инсон қадами етмаган жой* фраземалари эса умуман инсонлар яшамайдиган ва бормаган ўрин-жой маъносини билдиради. Бу турдаги фразеологизмлар маъносини билдариш учун баъзи ҳолларда ***Қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи куяр*** барқарор бирикмаси ҳам қўлланилади.

Кўз илгамас жой фраземаси узокдаги ўрин-жой ва предметларни англатиб, “олис” семасига эга.

“Йўналиш” семаси *боши оққан томонга, боши қаяққа оғса, ўша ерга* фразеологизмлари орқали намоён бўлади.

Йўл бўлсин фраземаси аксар ҳолларда қаерга сўроғи ўрнида қўлланилиб, бу иборада ҳам “ўрин” семаси муҳим аҳамиятга эга.


Навбатдаги гуруҳга “ўрин” чегара сема бўлган фразеологизмларни киритамиз: *елкасининг чуқури кўрсин; йўлга тушмоқ; йўлга чиқмоқ; йўл олмоқ; оёғи тортмади; тўрт тарафи қибла; қайси шамол учирди, ёғ тушса ялагундек* кабилар.

Юқоридаги иборалар асосан бошқа турли семаларни ифода этиши билан бирга, “ўрин” семасини ҳам ўз таркибига олади. Хусусан, *тўрт тарафи қибла* фраземаси таркибида “ҳайдаш” семаси муҳим бўлиб, хоҳлаган томонга юриш учун ундаш маъносини билдиради.

Йўлга тушмоқ, йўл олмоқ, йўлга чиқмоқ ибораларида “юриш”, “бориш” умумий сема саналса-да, бу хил фразеологизмлар йўналиш, ўрин-жой билдирувчи сўзлар билан боғланиб келади.

Хошишнинг йўқлиги, истамаслик маъноларини билдириб келган *оёғи тормади, елкасининг чуқури кўрсин* фраземаларида ҳам “ўрин” семаси чегара сема сифатида мавжуд, чунки бу иборалар бирор жойга боришни хохламаслик ёки бошқа бу ерга келмаслик маъноларини билдиради.

Ўзбек тилидаги *қайси шамол учирди* фразеологизми таркибида “ўрин” умумий архисемасидан ташқари, “сўраш”, “хурсандлик” семалари ҳам бўлиб, улар орқали фикр қаратилган объектга хос образли ифода намоён бўлади.



I.7. ”Микдор” архисемали фразеологизмлар

“Микдор” архисемали ФСГга кирувчи ФБлар шахс, нарса ва ходисаларни баъзан ҳаракатнинг микдорини билдиради. Бундай фразеологизмлар микдор билдирувчи турли тушунчаларни англатиш учун хизмат қилади. Бу гуруҳга кирувчи фразеологизмлар микдорнинг кўплигини, озлигини, баъзан эса йўқлигини билдиради. Бу ФСГга *бошидан ошиб ётмоқ*,


бошини еб, ипидан игнасигача, бошдан оёқ, бир бошдан, миридан сиригача, етти яшардан етмиш яшаргача, бир чимдим, бир оғиз, икки оғиз, икки шингил, икки эллик, дарёдан бир томчи, анқонинг уруғи, икки қўлини бурнига тиқиб ФБларини киритиш мумкин

“Микдор” семаси билан бошқа шу семали Фблар билан бир ФСГга мансуб бўлган *бошдан ошиб ётмоқ* ФБи “кўп” семаси билан ўз ФСГидаги бошқа birlikлардан фаркланади. Бу сема архисема бўлган микдорнинг белгисини билдириш учун хизмат қилмоқда. Бу ФБ баъзан “иктисодий тўқлик” белгисини ҳам намоён қилиб, шу белгиси билан ижтимоий-иктисодий ҳолат билдирувчи ФСГга ҳам киритиш мумкин. “Кўп” архисемали *бошини еб* фраземаси ҳам мавжуд бўлиб, бу ибора дарахтнинг кўп мева қилганлигини билдиради.

“Микдор” семали birlikлар қаторига *ипидан игнасигача, бошдан оёқ, бир бошдан, миридан сиригача* сингари “барча” семали Фблар ҳам киради. Бу қатордаги *ипидан игнасигача, миридан сиригача* Фблари, асосан, “нутқ” семасига эга бўлган birlikлар билан синтагматк муносабатга киришади. “Барча” семали *бошдан оёқ, бир бошдан* Фблари “нутқ” семаси билан бир қаторда бошқа семага эга бўлган birlikлар билан ҳам боғланиши кузатилади.

Буни Бурхон отамдан сўраймиз. У киши ипидан игнасигача ҳаммасини гапириб берадилар. (О.Ё.)

Юқоридаги микрогуруҳга *етти яшардан етмиш яшаргача* ФБни ҳам киритиш мумкин. Бу birlik таркибидаги “микдор”, “барча” семалари умумий, бирлаштирувчи сема бўлса, мавжуд бўлган “шахс” семаси дифференциал сема саналади.



I.8. “Нутқ” архисемали фразеологизмлар

Маълумки, фразеологик бирликлар лексик бирликлар сингари аташ функциясига эга. Шунингдек, уларнинг ҳар бири кўчма маънода қўллана олиши мумкин. Ўзбек тилида *гапирмоқ*, *сўзламоқ*, *бақирмоқ* сингари “нутқ” архисемали лексемалар мавжуд бўлиб, улар матндан ташқарида ҳеч қандай услубий маъно ташимайди. Фразеологик бирликларнинг ўзи матнга услубий бўёқ бера олиш хусусиятига эга. Буни “нутқ” семаси мавжуд бўлган фразеологик семантик гуруҳ мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

“Нутқ” архисемали фразеологик семантик гуруҳга *жавоб бермоқ*, *дарак бермоқ*, *гап ташламоқ*, *гап қистирмоқ*, *гап қайтармоқ*, *дўқ урмоқ*, *захрини сочмоқ*, *ади-бади айтишмоқ*, *дод солмоқ*, *жар солмоқ* каби фразеологик бирликларни мисол қилиш мумкин. Бу фразеологизмлар инсон нутқининг ижобий ёки салбий маъно билдириши, ахборот ташиш функциясини ўзида мужассамлаштиради.

Нутқнинг ахборот ташиш функциясига ишора қилувчи *жавоб бермоқ*, *дарак бермоқ* фразеологизмларида “нутқ” семема ҳисобланади. Бундан ташқари уларни, юқорида таъкидланганидек, “ахборот” семаси ҳам умумлаштиради. Фақат *жавоб бермоқ* фразеологик бирлигидаги “жавобан” семаси *дарак бермоқ* бирлигида кузатилмайди.

Гап ташламоқ, гап қистирмоқ, гап қайтармоқ фразеологик бирликларини ҳам бошқа шу гуруҳга кирувчи фразеологик бирликлар билан “нутқ” семаси бирлаштиради. Бу фразеологизмлар бажарувчи субъект (агенс) нутқини тингловчи субъект (адресат) нутқи билан боғлиқлигини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *гап ташламоқ* бирлиги фикрини билиш мақсадида бирор гап айтмоқ¹ маъносини билдиради. *Гап қайтармоқ* фразеологизми ҳам “эътироз” семаси орқали ўзгалар нутқи билан боғланишни ифодалайди.

Дўқ урмоқ, захрини сочмоқ, дод солмоқ фразеологик бирликлари ҳам нутқни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу фразеологизмларни бошқа шу гуруҳга кирувчи фразеологизмлардан фарқловчи сема “салбийлик” семасидир. *дўқ урмоқ, захрини сочмоқ* иборалари нутқ қаратилган субъект (адресат)га бўлган муносабатни салбийлигини ва уни нутқ орқали намоён этишни билдиради. *Дод солмоқ* бирлиги эса юқоридаги икки фразеологизмдан фарқли равишда руҳий ҳолатнинг салбийлигини ифодалайди ва шу орқали руҳий ҳолат билдирувчи ФСГга ҳам киритиш мумкин. Бу фразеологик бирлик “овознинг юқорилиги” семасига ҳам эга бўлиб, бу сема *жар солмоқ* бирлиги билан умулашиши учун хизмат қилади.


Нутқнинг йўқлигини билдирувчи *дами чиқмади, дами ичида, даммини кесмоқ* фразеологизмларини ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин. Уларни “нутқ” семаси билан бир қаторда “қўрқув” семаси ҳам умумлаштиради. Айни шу, яъни “қўрқув” семаси ФСГдаги бошқа фразеологизмлардан дифференциялаш учун ҳам хизмат қилмоқда ва шу сема руҳий ҳолат билдирувчи ФСГга кирита олиш учун ҳам ёрдам бермоқда. *Дами чиқмади, дами ичида* фразеологик бирликларида “қўрқув” сабаб, “нутқсизлик” оқибат сифатида намоён бўлмоқда.

“Микдор” архисемали ФСГ таркибига кирувчи *икки оғиз, ипидан игнасигача, бир бошдан, икки гапнинг бирида* фразеологизмларини ҳам “нутқ”

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.-65-бет

семали бирликлар билан боғланишини назарда тутиб, уларни ҳам ушбу ФСГга киритиш мумкин. Бу ҳолда “нутқ” семаси чегара сема ҳисобланади.

Икки гапнинг бирида: “Кишининг ҳуснига ҳусн қўшадиган зеб-у зийнат эмас, меҳнат”, - дерди. (Р.Ф.)



Боб юзасидан хулоса

1. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган эмик бирлик сифатида мавжуд. Шунга кўра, фразеологизмларнинг тил системасидаги ўрнини аниқ белгилаш муҳим.

2. Фразеологик бирликлар яхлит ҳолда маъно нуқтаи назаридан лексема билан бир қаторда турувчи бирликлар саналади. Улар услубий жиҳатдан ўзига хос бўёққа эга.

3. ФБлар тил системасида маълум микросистемани ташкил этар экан, бу система ўз ичида ички бўлинишларга эга бўлади, ҳар қайси ички гуруҳ умумий ва хусусий белгилари асосида ажратилади.

4. Ўзбек тилидаги ФБларни ҳолат белгиси асосида ижтимоий-иқтисодий ҳолат билдирувчи, руҳий ҳолат билдирувчи, жисмоний ҳолат билдирувчи, ақлий ҳолат билдирувчи фразеологизмлар сифатида гуруҳлаш

мумкин. Буларнинг ҳар қайсиси ўз ичида муайян умумий белгиси билан бирлашиб, хусусий белгилар воситасида фарқланади.

5. Ўзбек тилида “вақт”, “ўрин”, “миқдор”, “нутқ” архисемали фразеологик birlikлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу ФБларнинг семик жихатларини аниқлаш орқали уларнинг мазмуний тузилиши яққол намён бўлади.

II БОБ.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Тилнинг лексик бойлигини ташкил этувчи ФБлар тилшуносларнинг доимо диққат эътиборида бўлган. ФБлар мураккаб тил ҳодисаси сифатида икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Шу маънода ФБларни амалий ва илмий ўрганиш ўзига хос ёндашувни, ўзига хос метод ва услубни тақозо этади. ФБлар ўзининг табиати билан компонент таҳлилни талаб этади. Гарчанд Ш.Раҳматуллаев ФБларни компонент таҳлил этганига қарамай,¹ бу жиҳатлар ўзбек тили фраземалари компонентларининг барча жиҳатларини қамраб олмаган. Кейинчалик номзодлик иши даражасида қилинган Ш.Алмаматованинг “Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили” номли тадқиқоти кенг миқёсли ФБларни таҳлилга тортганлиги, ФБлар гуруҳланишининг мукамаллиги билан аҳамиятлидир.²

Ўзбек тилидаги инсон қиёфаси билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар бир қарашда оддий қиёфа, тасвир ифодалаётгандай туюлса-да, улар ифода этган тушунча тамоман ўзига хос бўлади. Инсоннинг маълум аъзосидан келиб чиқиб, биз бундай фразеологизмларни шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Бунда инсон тана аъзоларининг хатти-ҳаракати, ҳолатига нисбат берилган фразеологизмлардан фойдаланамиз.

Бош ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *бошини қуйи эгмоқ, боши хам бўлмоқ, бош кўтармоқ, боши шишиди* каби. Бундай иборалар бошнинг ҳаракати, ҳолатини тасвирлаш орқали инсонда кечаётган маълум руҳий ҳолатни очиб беради. Масалан, *бошини қуйи эгмоқ* фраземаси уят-номусдан бошини кўтара олмаслик ҳолатини билдиради.

Кўз ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *кўзига қон тўлмоқ, кўзининг пахтаси чиқмоқ, кўзи қинидан чиқиб кетмоқ, кўзини*

¹ Раҳматуллаев Ш, Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. - №3. – 16-21-б.

² Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. ФФН. Автореферати. – Тошкент, 2008.

сузмоқ, кўз олайтирмоқ. Бу иборалар ҳам инсон руҳий ҳолатини кўз ҳаракати орқали ифодалайди. Масалан, *кўзининг пахтаси чиқмоқ, кўзи қинидан чиқмоқ* иборалари ғазабланиш ёки кўрқинч маъноларини билдиради.

Оғиз ҳаракати билан боғлиқ фразеологизмлар: *оғзи қулоғига етмоқ, оғзи очилмоқ, оғзи катта* ва бошқ. Жумладан, *оғзи очилмоқ* фраземаси ҳайратланиш маъносини ифодалашга хизмат қилади.

Бурун ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *бурнини жийирмоқ, бурни кўтарилди*, булар орасида *бурнини жийирмоқ* ибораси “бирор нарсадан норозилик” семасига эга.

Юз ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фраземалар: *юзига қон югурмоқ, афти совуқ, чеҳраси очик* кабилар. *Қути ўчди* ибораси ҳам мана шу қаторга киритилиши мумкин, чунки ушбу фразема таркибида *юз* лексемасига ишора мавжуд: (*юзининг*) *қути ўчди*.

Қулоқ ҳаракати билан боғлиқ иборалар: *қулоғини динг қилмоқ* фраземаси “берилиб тинглаш” семасини ифодалаяпти.

Қўл, оёқ ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *қўлини (бармоғини) бигиз қилмоқ, оёғининг учида кўрсатмоқ*.

Бундан ташқари, киши **ички аъзолари** ҳолатига боғлиқ фраземалар ҳам учрайди: *ўпкаси тўлмоқ, юраги орқасига тортмоқ, юрак-бағри эзилмоқ, жигаридан урмоқ* сингари. Ушбу фразеологизмлар илмий манбаларда кўрқинч, изтироб, хафалик семаларига эга бўлган иборалар сифатида берилади.¹

Таъкидлаш керакки, айрим фразеологизмлар киши қиёфасига хос тасвирни ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, *эти суягига (устухонига) ёпишган, бир қошиқ сув билан ютгудек* ва шу кабилар. Булар киши қиёфасининг маълум тасвири бўлиб, ушбу ибораларда таъсирчанлик, услубий бўёқдорлик юқори даражада бўлади.

¹ Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларида. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.- 50-бет.

II.1. *Бош* лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари

Биз қуйида ўзбек тилидаги *бош* сўзи иштирокида шаклланган айрим ибораларнинг семантик хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилида *бош* сўзи воситасида шаклланган иборалар бошқа шундай бирликлар сингари маънони кучайтириш, сўзловчи фикрини тингловчига бўрттириб кўрсатиш мақсадида қўлланилади. Жумладан, *бошингиз омон бўлсин, бош кўтармоқ, бошинг тошдан бўлсин, боши очиқ, бош оғриғи, боши қоронғи, боши кўкка етмоқ, боши оққан томонга, бош суқмоқ, бош тортмоқ, бош урмоқ, бош қашимоқ, боши қотмоқ, бошига битган, бошида данак чақмоқ.*

Булар орасида маълум ҳолат, ҳаракат, тилак, турлича мақсадларга қаратилган экспрессив ифодалар ўзаро фарқланади. Масалан, *бошнинг* маълум даражадаги жисмоний ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *бошини қуйи эгмоқ, боши хам бўлмоқ, бош кўтармоқ* каби. Бундай иборалар бошнинг ҳаракати, ҳолатини тасвирлаш орқали инсонда кечаётган маълум руҳий ҳолатни очиқ беради. Масалан, *бошини қуйи эгмоқ* ибораси уят-номусдан бошини кўтара олмаслик ҳолатини билдиради.

Шунингдек, маълум ижтимоий ҳолат билан боғлиқ иборалар сирасига *боши очиқ, боши боғлиқ* кабилар мансуб бўлиб, улар оилавий ҳолат билдирувчи ўзаро зидликка ишора қилувчи бирликлардир: *боши очиқ* – оиласи йўқ, *боши боғлиқ* – оилали ёки унаштирилган. *Боши қоронғи* ибораси эса маълум жисмоний ҳолатга, ҳомиладорликка нисбатан ишлатилади.

Бош қашимоқ иборасида тиғиз вақтга алоқадорлик акс этади, *боши оққан томонга* иборасида эса ўрин, жойга боғлиқ ҳаракат, тўғри келган томонга йўналиш ҳақидаги ҳолат кўрсатилади. *Бош суқмоқ, бош урмоқ, бош тортмоқ* ибораларининг маънолари ҳам ўзгача. Биринчисида

аралашини, иккинчисида бўйсунини, учинчисида эса инкор этиш ҳолатлари ифода қилинади.

Бошига битган, бошида данак чақмоқ, бош оғриги сингари иборалар кўпинча бирор-бир ноўрин ҳаракатга нисбатан қўлланилади. **Бош** сўзи орқали шаклланган иборалар тилак билдириш, истакни кўрсатиш учун ҳам амалий нутқимизда тез-тез ишлатилиб туради: *бошингиз омон бўлсин, бошинг тошдан бўлсин* каби.

Ўзбек тилининг ўзига хос ифода имкониятларини турли семантик умумийликлар остида бирлашган иборалар орқали ҳам аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунда ибораларни муайян умумий ва хусусий семалар ёрдамида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, ўзбек тилидаги ибораларнинг семантик имкониятларини аниқроқ белгилаш, уларнинг матн доирасида услубий воқеланишини кўрсатишга алоҳида эътибор зарур.

II.2. Кўз лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари

Ўзбек тилида **кўз** ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар кўплаб учрайди: *кўзига қон тўлмоқ, кўзга кўринмоқ, кўздан кечирмоқ, кўзининг пахтаси чиқмоқ, кўз бўямоқ, кўзига чалинмоқ, кўзи қинидан чиқиб кетмоқ, кўзини сузмақ, кўз олайтирмақ, кўзда тутмоқ, кўзига чўп тиқмоқ, кўзи мошдек очилмоқ, кўзини ёғ босмоқ* сингари. Бу иборалар, бир томондан, инсон руҳий ҳолатини кўз ҳаракати орқали ифодалашга хизмат қилса, иккинчи томондан, маълум вазиятларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалан, *кўзига қон тўлмоқ, кўзи ола-кула бўлмоқ, кўзининг пахтаси чиқмоқ, кўзи қинидан чиқмоқ* иборалари ғазабланиш ёки кўрқин маъноларини билдиради. Бу фразеологизмларда умумий, интеграл семалар билан бирга, ўзига хос дифференциал семалар ҳам мавжуд. Кейинги бирликлардаги “кўрқин” семаси *кўзига қон тўлмоқ* фразеологизмида кузатилмайди.

Худди кўзига қон тўлган одамдек лабининг чети учиб қўяди.

Берилган гапда келтирилган *кўзига қон тўлган* ибораси семалари таркибида “ҳолат”, “ҳаяжонланиш”, “ғазабланиш”, “асабийлик” семалари кузатилмоқда.

Акмал ... кўзи ола-кула бўлиб кетди гапидаги *кўзи ола –кула бўлиб кетди* ибораси семалари таркибидаги “кўрқиш”, “тасодифийлик” семалари *кўзига қон тўлмоқ* ибораси таркибидаги айрим семалар билан бевосита зидланади.

Кўзга кўринмоқ иборасида “танилиш”, “эътибор” семалари, *кўзда тутмоқ* иборасида “мақсад”, “назарда тутиш” семалари мавжуд бўлиб, уларни умумлаштирувчи белги “эътибор” семасидир.

Кўзига чўп тиқмоқ ва *кўз бўямоқ* ибораларида ҳам маълум умумий ҳолатлар кўринади, улардаги “чалғитиш”, “ёлғончилик” семалари билан бир қаторда, *кўзига чўп тиқмоқ* иборасидаги “лақиллатиш”, *кўз бўямоқ* фразеологизмидаги “яшириш” семалари ўзаро фарқланади.

Кўзи мошдек очилмоқ, *кўзини ёғ босмоқ* иборалари таркибидаги “ҳолат” семаси интеграл бўлгани ҳолда, уларни ўзаро зидлик муносабатидаги иборалар сифатида кўрсатиш мумкин. Биринчи иборада *кўзи мошдек очилди*, яъни бирор нарсанинг таъсири оқибатида нимадандир хабардор бўлиш назарда тутилади. Иккинчи *кўзини ёғ босди* иборасида эса ҳеч нимага эътибор қаратмаслик, ҳовлиқиш ҳолатлари ифодаланади. Уларни ўзаро фарқловчи сема “аниқлик” ва “ноаниқлик”, “хабардорлик” ва “эътиборсизлик” семалари саналади.

Тиниқ тортиб, шарқираб ётган сувдан кўзини узса, қани, атрофига қараб қўйса, қани!

Кўзини узмоқ фразеологик бирлиги маънолари таркибида “тикилиш”, “давомийлик”, “қизиқиш”, “завқланиш” сингари семалар мавжуд бўлиб, ушбу иборадаги ўзига хос белгилар ана шу семалар билан кузатилади.

Ўзбек тилидаги *кўз очмоқ* белгиси билан боғлиқ фразеологизмлар доирасида *кўзни очди*, *кўзи очик* иборалари алоҳида фарқланади. Масалан:

Ҳеч ким кўзи очик туриб,....

Биринчи гапдаги *кўзи очик туриб* фразеологизми маънолари таркибида “тириклик”, “ёш”, “кексалик” семалари бўлиб, *кўз очишим билан* иборасида эса “уйғониш”, “тузалиш” семалари устунлик қилмоқда. Иккинчи гапдаги фразеологизм маънолари доирасида “уйғониш” семаси кузатилмоқда.

Хуллас, ўзбек тилидаги *кўз* лексемаси иштирокида шаклланган иборалар маъноларининг ранг-баранг ифодалари билан алоҳида ўрин тутди.

II.3. Бўйин лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари

Профессор Ш.Раҳматуллаев *бўйин* лексемасининг айрим фраземалар таркибида қўлланган кўринишларини изоҳлаб берган. Тилшунос олим лексеманинг иштироки орқали шаклланган ибораларга умумий изоҳ беради.¹ Ушбу фразеологизмлар таркибида *бўйин* лексемаси ўзининг маълум семаларини сақлайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *бўйин* лексемаси шундай изоҳланади:

- Бўйин** – 1.Бош билан танани бириктирувчи қисми.
2. Баъзи асбобларнинг ингичка қисми.
3. (тех.) Ўқ, вал ва ш.к.ларнинг подишипникка ўрнатиладиган қисми.²

Ўзбек тилида *бўйин* лексемаси иштирокидаги қатор ибораларда унга хос бўлган айрим маъно қисмлари акс этади. Жумладан, *бўйин эгмоқ*, *бўйинни букмоқ*, *бўйинни хам қилмоқ* ибораларида бу лексема таркибидаги “юқорилик” семаси хизмат қиляпти. Шунингдек, *эгмоқ*, *хам қилмоқ*, *букмоқ* феълларидаги “пасайиш” семаси ҳам “юқорилик” маъносига ишора қиляпти.

Бўйнига осилмоқ, *бўйнига миниб олмоқ* тарзидаги фраземаларда юқоридаги маъно билан бирга, *миниб олмоқ* ва *осилмоқ* феъллари ҳам “интилиш” семаси билан шу белгини тўлдириш учун хизмат қиляпти.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Тошкент: Фан, 1964.- 36-37-бетлар.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.- 401-бет.

Бўйин қисмоқ (бўйинини қисмоқ) иборасида “қўрқиш” семаси мавжуд бўлиб, унинг асосида *бўйин* лексемасининг “яшириниш” (елка орасига) семаси ётади.

Бўйини йўзон иборасида умумий бўрттириш белгиси кўзга ташланади. Аслида *бўйин* лексемаси таркибида “ингичка” семаси бўлса-да, кишига хос иқтисодий бақувватлик белгиси *йўзон* лексемасининг *бўйин* лексемаси билан боғланиши орқали намоён қилинмоқда.

Бўйнидан соқит қилмоқ ибораси таркибида “қутулмоқ” семаси мавжуд бўлиб, бу ўринда ифода таркибидаги *бўйин* лексемаси “тана қисми” семаси билан гавдаланяпти, чунки ушбу фразеологик бирлик *бошидан соқит қилмоқ, елкасидан соқит қилмоқ, гарданидан соқит қилмоқ* ҳамда, ўз навбатида, *ўзидан соқит қилмоқ* фразеологик birlikлари билан вариантдош ҳисобланади.

Юқоридаги *бўйнидан соқит қилмоқ* ибораси билан *бўйнига олмоқ, бўйнига тушмоқ* фраземалари антонимик муносабатга киришади. Таъкидлаш керакки, бу иборада ҳам *бўйин* лексемасига хос бўлган келтириб ўтилган “тана қисми” семаси муҳим. *Бўйнига олмоқ* фраземаси *зиммасига олмоқ, гарданига олмоқ* тарзидаги фразеологизмлар билан вариантдош бўлиб, уларнинг барчасида *бўйин* лексемасининг шу семаси юзага чиқаётганлигини кўриш мумкин.

Ҳар қандай лексеманинг ўзаро боғланиши учун улар таркибидаги семаларнинг мувофиқ бўлиши зарур. *Бўйин* лексемаси билан ўзаро бирикаётган юқоридаги лексемалар гарчи ибора таркибида бўлса ҳам, маълум мутаносиблик асосида шу лексемага хос бўлган айрим семаларни белгилаш учун асос бўлмоқда.

II.4. *Оғиз* лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари

Нутқимизда қўлланадиган фразеологик birlikлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлиб, улар ифода этган маънолар бир бутун тарзда акс этиши билан характерланади. Шунинг учун улар таркибидаги лексемалар ўзининг асосий

маъносини йўқотиши, айрим ҳолларда фақат маълум семаларинигина сақлаши мумкин. Биз ушбу мақолада ўзбек тилидаги *огиз* лексемаси воситасида шаклланган ибораларнинг семантик хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

Ибораларнинг маъно хусусиятларига доир масалалар баъзи илмий ишларда ўз талқинини топган.¹ Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик бирликлар изоҳига қаратилган луғатида *огиз* лексемаси иштирок этган қатор ибораларнинг маънолари маълум даражада ёритилган.²

Ушбу лексема иштирок этган фразеологизмлар бир неча томондан турли маъно гуруҳларига ажратилади. Бундай иборалар

- **тасдиқ ёки инкор шаклли;**
- **ҳаракат, ҳолат, белги англатувчи**

бирликлар сифатида таснифланиши мумкин.

Тасдиқ шаклли фразеологизмларга *огзига талқон (сўк) солмоқ, огзига олмоқ, огзига қатиқ ивитмоқ, огзига урмоқ, огзига қарамоқ, огзидан бол томмоқ, огзидан она сути келмоқ, огзи катта, огзи қулоғида, огиз жуфтламоқ, огзини кўпиртирмоқ, огзининг таноби қочмоқ, огзини очмоқ, огзини юммоқ, огиз-бурун ўпишмоқ* кабилар киритилади.

Инкор шаклли фразеологизмлар доирасида *огзига олмаслик, огзига қарамай, она сути огзидан кетмаган, огиз очирмаслик, қўй огзидан чўп олмаган* сингари фразеологизмлар ажратилади.

Шаклан бир-бирига зид бўлган ушбу фразеологик бирликлар ўз таркибида яна бир неча маъно гуруҳларига бўлинади. Масалан, уларни яхлит ҳолда ҳаракат, ҳолат, белги ифодаловчи иборалар сифатида ажратиш мумкин.

Ҳаракат англатувчи иборалар: *огзига урмоқ, огзидан бол томмоқ, огиз жуфтламоқ, огиз кўпиртирмоқ, огиз-бурун ўпишмоқ; огзига қарамай, огиз очирмаслик* сингари.

¹ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 1993; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. Тошкент, 2000 в.б.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

Ҳолат англатувчи иборалар: *оғзига талқон солмоқ, оғзига қатиқ ивитмоқ, оғзига қарамоқ, оғзининг таноби қочмоқ, оғзига олмаслик, оғзи ошга етганда* кабилар.

Белги англатувчи иборалар: *оғзидан она сути келмоқ, оғзи катта, оғзи қулоғида, қўй оғзидан чўп олмаган, бир оғиз(сўз, гап), бир-икки оғиз тарзида.*

Мазкур фразеологик birlikларнинг маъно доирасидаги таъсирчанлиги, эмоционал бўёқдорлиги уларнинг сўзлар билан таққосланиши орқали аниқ намоён бўлади:

оғзидан бол томмоқ – мақтамоқ

оғзи қулоғида – хурсанд

қўй оғзидан чўп олмаган – ювош

она сути оғзидан кетмаган – ёш

оғзига талқон солмоқ – жим

оғзи ошга етганда – эришмоқ

бир оғиз – оз

Масалан:

Ҳали она сутинг оғзингдан кетмай, менга ақл ўргатасанми?

С.Абдуқаҳҳор. – (она сутинг оғзингдан кетмай – жуда ёш туриб).

Намунча, гапир, оғзингга талқон солдингми? Ў.Ҳошимов – (оғзингга талқон солдингми – нега жимсан).

Наҳот, менга аталган бир оғиз илиқ сўзингиз ҳам йўқ! С.Зуннунова – (бир оғиз (сўз) - бир сўз).

Ҳамидхон – қўй оғзидан чўп олмаган бола. Т.Бердиева – (қўй оғзидан чўп олмаган – ювош).

Шуни таъкидлаш керакки, уларнинг умумий маъноларидан ташқари ҳар қайси фразеологизмга хос фарқловчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан:

оғзига урмоқ - оғиз очирмаслик

оғзининг таноби қочмоқ - оғзи қулоғида

оғзига талқон солмоқ - оғзига қатиқ ивитмоқ

огиз кўпиртирмоқ - огзини тўлдирмоқ

иборалари ўзаро маънодош саналиши мумкин.

Шунингдек:

огзидан бол томмоқ - огзига олмаслик

огзига урмоқ - огзига қарамоқ

қўй огзидан чўп олмаган - огзини очирмай

иборалари маълум маънолари билан бир-бирига зид келади.

Хуллас, ўзбек тилидаги барча иборалар қатори *огиз* лексемаси иштирок этган фразеологизмлар ҳам ифода этилаётган тушунчалар хусусида ахборот бериш билан чекланмай, ифода имкониятининг кенглиги, таъсирчанлиги билан тилда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбек тилидаги бундай ибораларни структур асосда таҳлил қилиш орқали уларнинг маъно таркибини янада кенгроқ ёритишга йўл очилади.

II.5. Қўл лексемали ибораларнинг семантик хусусиятлари

Фразеологизмлар ҳар бир тилдаги бадиий маъно ифодалашнинг самарали воситаларидан биридир. Бир сўз маъносига тенг бўлган маъно остида бирлашган сўзлар бирикмаси бўлмиш фразеологизмлар маълум бир халқ тилида ўша халқнинг урф-одатлари, дунёқарашлари натижасида юзага келади ва уларда ўша халқнинг урф-одатлари, қарашлари, эътиқоди маълум даражада намоён бўлади.

Фразеологик бирликлар барча тиллар каби ўзбек ва инглиз тилларида ҳам мавжуддир. Бу икки тилдаги фразеологизмларнинг кўпчилиги бир-бирига муқобил бўлавермайди: баъзиларининг шакли бир-бирига мос келса-да, маъно жиҳатидан мослашмайди, бошқалари маъноси муқобил бўлса-да, шакли бутунлай бошқача бўлади. Бу, юқорида айтилганидек, ҳар бир халқнинг ўзига хос дунёқарашидан келиб чиқади.

Бироқ дунё тилларининг баъзан бир-бири билан бир хил томонлари ҳам учраб туради. Бу фразеологизмларда ҳам кузатилади. Биз қуйида бир лексема

мисолида (қўл - hand) ўзбек ва инглиз тилидаги маъно ва шакл жиҳатидан деярли тенг бўлган фразеологизмларни кўриб чиқамиз.

Инглиз тилида, масалан, бошлиқнинг энг яқин, ишончли кишисига нисбатан *“to be someone’s right hand”* фразеологик бирлиги ишлатилади. Бу бирлик ўзбек тилига *“кимнингдир ўнг қўли бўлмоқ”* тарзида таржима қилинади. Кўринадики, ўзбек тилидаги бу бирикма ҳам ўша маъно учун хизмат қилади.

Ўзбек тилидаги *“бирор ишни ўз қўлига олмоқ”* ибораси “бирор ишни бошқармоқ, назорат қилмоқ” маъносида ишлатилади. Инглиз тилида бу маънони ифодалаш учун *“to take in hand something”* фразеологизми қўлланилади.

“The Chelsea” got the upper hand in the matches of the year гапи ўзбек тилига *“Челси”нинг бу йилги ўйинларда қўли баланд келди* тарзида таржима қилинади. юқоридаги икки гапда қўлланган фразеологизмлар (*got the upper hand, қўли баланд келди*) маъно ва таркиби жиҳатидан бир-бирига деярли мос келади.

Инглиз тилидаги *“at hand”* бирикмаси “жуда яқинда”, “ёнида” маъносида ишлатилади. Ўзбек тилида бу маънони ифодалаш учун *“чангалида”, “бурнининг остида”* иборалари қўлланилади.

Агар ўзбек тилида “бирор нарсани назорат қила олмаслик” маъносида *“тизгинини қўлдан бермоқ”* бирикмаси қўлланса, инглиз тилида *“to get out of hand”* фразеологизми ишлатилади.

Ўзбек ва инглиз тилларида “қўл” (hand) лексемаси билан ясалган маъно ва таркиб жиҳатидан тенг келувчи фразеологизмлар бир қанча бўлиб, булар қаторига “ёрдам бермоқ” маъносидаги *“to give someone a hand”* – “қўл бермоқ”, “бирор ишни эплаб қолмоқ” маъносида *“to become a skilled hand at something”* – “қўли келиб қолмоқ”; “чорасиз қолмоқ” маъносини ифодалаш учун ишлатиладиган *“bound hand and foot”* – “оёқ қўли боғланган” каби фразеологик бирликларни мисол қилиш мумкин.

Боб юзасидан хулоса

1. Фразеологик бирликлар мураккаб структурали бутунлик сифатида лексемалардан фарқ қилади. Бу хусусият уларни тузилиш нуқтаи назаридан, маълум компонентлари асосида ҳам таҳлил этишни талаб қилади.

2. Иборалар таркибидаги етакчи аҳамиятга эга бўлган лексемалар фразеологизмларни турли-туман маъно ифодасига эга бўлиши учун асос бўлади.

3. Ўзбек тилида *бош*, *кўз*, *бўйин*, *оғиз*, *қўл* сингари лексемалар орқали шаклланган ФБлар фаол қўлланилади. Бундай иборалар коннотатив хусусиятга эга бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини оширишда катта хизмат қилади.

4. Фразеологизм таркибидаги лексеманинг ўзаро боғланиши учун улар таркибидаги семаларнинг мувофиқ бўлиши зарур. *Бош*, *кўз*, *бўйин*, *оғиз*, *қўл* каби лексемалар билан ўзаро бирикаётган бирликлар гарчи ибора таркибида бўлса ҳам, маълум мутаносиблик асосида шу лексемага хос бўлган айрим семаларни белгилаш учун асос бўлади.

5. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар маъно жиҳатдан қиёсланганда, баъзи тиллар фразеологизмлари билан мутаносиб бўлиши ҳам кузатилади.

III БОБ.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ВАЛЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай лингвистик бирлик сингари фразеологик бирликлар ҳам ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатда бўлади. Парадигматик муносабат уларни маълум семантик гуруҳларга бирлаштириш имкониятини берса, синтагматик муносабат ҳар бир фразеологизмнинг бошқа лингвистик воситалар билан боғланиш имкониятини ва бу имкониятнинг воқеланишини кўрсатади. Фразеологизмларнинг синтагматик муносабати уларнинг валентлиги билан узвий боғланади.

Маълумки, валентлик назариясига ўтган асрнинг ўрталарида асос солинди. Валентлик тушунчаси тилшунослик тарихида 1948 йилда рус тилшуноси С.Д.Кацнельсоннинг “Грамматик категориялар ҳақида”, 1953 йилда француз тилшуноси Л.Теньернинг “Структурал синтаксис очерклари” китобида илк марта тилга олинган ва асослаб берилган эди. Хусусан, Л.Теньер валентлик тушунчасини феълларга боғланувчи воситалар, яъни феъл орқали ифодаланган предикат актантилари асосида белгилаган эди. С.Д.Кацнельсон ва Л.Теньерлар асос солган валентлик назарияси жаҳон тилшунослигида кенг тарқалди ва қатор янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Валентлик назариясининг мукаммаллашишида Г.Хельбиг катта роль ўйнади. У немис тили материаллари асосида феълнинг валентлик моделларини ишлаб чиқди ва “Немис тилидаги феъллар валентликлари ва дистрибуцияси луғати”ни тузди. Тилшуносликда валентлик назариясининг кенг тармоқ ёйиши унинг турлича ички таснифини ҳам майдонга келтирди.

Хусусан, Г.Хельбиг лексик валентликни мантикий-грамматик, семантик ва синтактик валентликларга ажратади¹.

Валентлик назарияси дастлаб лексик birlikларнинг боғланиш имконияти билан шуғулланган бўлса, кейинчалик тилнинг бошқа сатх birlikларини ҳам қамраб олди. Валентлик тушунчаси морфемик ва синтактик birlikларга нисбатан ҳам қўлланила бошлади².

Ўзбек тилшунослигига ҳам валентлик назарияси ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб кириб келди. И.Қўчқортоев нутқ феълларининг валент ва компонент таҳлилига бағишланган монографик тадқиқоти билан валентлик назариясига асос солди. Р.Расулов ҳолат феълларининг, С.Муҳамедова ҳаракат феълларининг валентликларини тадқиқ этиш билан бу назарияни бойитишга хизмат қилдилар. 1992 йилда “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” китобининг нашр этилиши валентлик назарияси доирасини янада кенгайтди. Гап предикат валентликларининг кенгайтиши натижаси эканлиги ва у синтактик алоқанинг негизи эканлиги кўрсатиб берилди³. Проф. М.Миртожиев ўзбек тилида феъл валентликлари бўйича ўзининг кузатишларини баён қилиш орқали валентлик назариясини янги материаллар билан тўлдирди⁴.

Валентлик назарияси бўйича олиб борилган изланишларнинг аксарияти лексик валентлик тадқиқига бағишланган. Ваҳоланки, лексема тил сатҳида қандай мақомга эга бўлса, фраземалар ҳам шундай мақомга эгадир. Шундай экан, лексик валентлик тадқиқотчилар диққатини қанчалик тортса, фразеологик валентлик ҳам шундай мақомга эга бўлиши зарур.

Фразеологик birlikлар ҳам тил системасида ўзининг ифода имкониятлари билан фарқланувчи тил бирлиги сифатида ўрин тутди. Фразеологизмлар гарчи сўз бирикмалари, жумлаларга яқин турса-да, маъно

¹ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М., 1978.

² Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике. – Иностр. языки в школе, 1973, Кибардина С.М. К истокам теории валентности в немецком языкознании XIX века.- В кн.: Грамматические концепции в языкознании XIX века. Л., 1985.- С.1981.

³ Нурмонов А., Махмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992

⁴ Миртожиев М. Ўзбек тилида феъл валентлиги. Тошкент, 2007.

хусусиятлари билан луғавий маъноли бирликларга, лексемаларга ўхшайди, чунки иборалар ҳам тилда умумий, имконият сифатида турувчи эмик бирлик саналади. Фраземалар тилнинг бойлиги сифатида мавжуд бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини кўрсатишга хизмат қилади.

Ўзбек тилидаги фразеологизмларнинг шаклланиш белгилари, маълум услубий жиҳатлари, уларнинг изоҳлари билан боғлиқ масалаларда турли олимларнинг қарашлари мавжуд. Тилшуносликда тадқиқ этилган ибораларга доир ишларда уларнинг семантик хусусиятлари яхлит ҳолда ўрганилган. Ушбу изланишларнинг аксарияти мазмунан сўзга тенг келувчи фразеологик бирликларнинг кўп маънолилик, омонимлик ёки синонимлик имкониятларини таҳлил этишга қаратилади.

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларни мазмуний жиҳатдан ва валент хусусиятлари асосида тасниф қилиш уларнинг ифода имкониятларини тўлиқроқ ёритади. Жумладан, *оёғи тортмади* фразеологизми таркибида “ўрин”, “ҳаракат”, “йўналиш” семалари мавжуд. Бу семалар воситасида ибора йўналиш ўрнини билдирувчи отни талаб қилади: *ҳовлига оёғи тортмади*.

Демак, мазкур ибора ўрин валентлигига эга. Фаол (актив) валентликнинг реаллашиши ўрин келишигидаги от билан боғлиқ. Фразеологизм таркибидаги биринчи компонент *оёғи* эгалик шаклида турибди. Бу шакл ҳам ўз валентлигига, яъни субъект валентлигига эга. Субъект валентлигини қаратқич келишигидаги учинчи шахсни билдирувчи от (от ўрнидаги олмош) *унинг* тўлдириб келяпти.

Мазкур фразеологизмнинг “сабаб” семаси ҳам мавжуд. Ана шу семаси сабаб валентлигига ишора қилади. Шундай қилиб, ушбу фразама уч валентликка эга бўлиб, уларнинг биринчи ва иккинчиси облигатор (мажбурий), учинчиси эса факультатив валентлик саналади.

унинг оёғи тортмади – субъект (облигатор валентлик)

ҳовлига оёғи тортмади – ўрин (облигатор валентлик)

ёлғизлиги туфайли оёғи тортмади – сабаб (факультатив валентлик).

Шунингдек, *боши оққан томонга* ибораси таркибида “ўрин”, “йўналиш” семалари мавжуд бўлиб, фразема йўналиш ўрнини билдирувчи восита билан боғланиш имкониятига эга, ибора тобе компонент сифатида “ўрин” семали феълга боғланади. Демак, *боши оққан томонга* иборасининг предикат аргументи функциясида эканлиги унинг пассив валентлигини кўрсатади.

боши оққан томонга юрмоқ

боши оққан томонга бормоқ

боши оққан томонга кетмоқ

Ўзбек тилидаги “*ҳаш-паш*” дегунча, *икки дунёда ҳам, кўз очиб-юмгунча* каби иборалар ҳам “пайт” умумий семаси билан бирлашиб, “пайт” семали феълларга боғланади ва феълнинг “пайт” валентлигини тўлдиради. Бу фразеологик бирликлар “пайт” пассив валентлигига эга.

Маълумки, ёш белгиси билан ажратилган фразеологик бирликлар қаторига *она сути оғзидан кетмаган, балозатга етган, суюги қотмаган, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, эсини таниган, шарти кетиб, парти қолган, ўн гулидан бир гули очилмаган* каби иборалар мансуб. Бундай фразеологизмлар учун хос бўлган умумий маъно белгиси “ёш” семаси саналади. Бу ибораларнинг барчаси шахс белгисига ҳам эга. Ўз навбатида, айримлари шахс ва шахс эмаслик белгиси билан фарқланади: *суюги қотмаган*.

Кўринадики, фразеологик бирликлар худди бошқа лингвистик бирликлар сингари валентлик хусусиятига эга бўлиб, бу белгисига кўра синтагматик муносабатга киришади. Фразеологик бирликларнинг валентлик имкониятлари билан синтактик позициялари ўртасида муайян муносабат мавжуд. Фразеологик бирликлар билан боғланувчи воситалар турлича синтактик позицияларда келиши мумкин. Мазмуний бирликлар билан уларнинг синтактик позицияси ўртасида симметрик муносабат мавжуд. Жумладан, *ўн гулидан бир гули очилмаган* фразеологизми гапда турлича синтактик функцияларда келиши мумкин:

ўн гулидан бир гули очилмаган қиз

қизнинг ўн гулидан бир гули очилмаган

Дастлабки бирикмада фразеологизм сифатловчи аниқловчи вазифасида келиб, пассив валентликка эга, от предикатнинг белги валентлигини тўлдириб келяпти. Иккинчи бирикмада эса ибора кесим позициясида келиб, фаол валентликка эга, қаратқич келишигидаги от унинг субъект валентлигини тўлдирмоқда.

Бундан ташқари, фразеологизм валентлиги билан бу валентликни тўлдирувчи аргументларнинг синтактик позицияси ўртасида ассиметрик муносабат ҳам кузатилади. Хусусан, субъект валентлигини тўлдирувчи аргументлар тўлдирувчи, эга, аниқловчи позицияларида келади:

йўл олмоқ – аргументи эга

тўрт тарафи қибла – аргументи аниқловчи

қайси шамол учирди – аргументи тўлдирувчи

Хуллас, икки томонлама моҳиятга эга бўлган лингвистик бирликлар валентлик имкониятига эга бўлгани каби, фразеологик бирликларнинг ҳам ана шундай имконияти бўлиб, фраземаларнинг бундай хусусияти асосида синтагматик муносабатини белгилаш ҳар бир конкрет тилнинг когнитив функциясини аниқлашда катта роль ўйнайди.

III.1. Субъект валентлиги

Ҳозирги кунда тилшуносликда субъект тушунчаси синтаксис ва семантиканинг ўзаро муносабатини ўрганиш нуқтаи назаридан кўпроқ эътиборни жалб қилмоқда. Гарчи, баъзи тадқиқотларда эгани субъект тушунчаси билан белгиланган¹ бўлса ҳам, грамматик эга кўп ҳолларда семантик субъект билан мос келмаслиги мумкин. Бу номувофиқлик икки структура элементини алоҳида-алоҳида ўрганишга асос бўлди. Аслида


¹ Аристова Е.Б. категория субъекта активные синтаксеми в современном английском языке. – Сб. Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982.

субъект жуда умумий тушунча бўлиб, у жуда кўп ва хилма-хил вазият элементларини ўз ичига бирлаштиради.¹

Субъектлар ҳам англатадиган маъносига кўра турли хил бўлиши мумкин: агенс (ҳаракатни юзага чиқарувчи)², пациенс (воситачи шахс)³, контрагенса (биргалашувчи шахс)⁴ ва бошқалар.

Ўзбек тилидаги ФБларнинг агенс валентлиги. Агенс бу ҳаракат ҳосил қилувчи, бажарувчи, ҳолат ва белги эгасидир. Ўзбек тилидаги ФБларнинг агенс валентликлари кўпинча эга ва аниқловчи позициясидаги бирликлар билан тўлдирилади. Баъзи ҳолларда тўлдирувчи позициясидаги бирликлар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Эга позициясида келиши. Ўзбек тилида агенсининг эга позициясида келиши норма ҳисобланади. Бу хилдаги бирликларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбек тилида агенс асосан шахсни билдиради, аммо Р.Расулов бу тушунчани кенг маънода шахс ва предметларга нисбатан қўллайди.⁵ Дарҳақиқат ҳаракат бажарувчиси ёки маълум белги эгаси нафақат шахс, балки бошқа жонзотлар, ҳатто, жонсиз предметлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *захрини сочмоқ*, *дўқ урмоқ*, *гап ташламоқ*, *гап қистирмоқ*, *балого қолмоқ*, *бош эгмоқ*, *жонини бермоқ* сингари “шахс” чегара сема бўлган бирликларнинг агенс валентлигини “шахс” архисемали бирликлар тўлдиради.



¹ Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Т.: Фан, 1992. 57-б

² Нурмонов А. ва бошқ. Ўша асар- 58-б

³ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валент хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2007


⁴ Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. Т., 2007. 48-б.

⁵ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989. 37-б

Э ака, Самадов сизга **дўқ ургани** йўқ. (П.Қ.)

Зое кетмоқ, изга тушмоқ, авжга етмоқ, забтига олмоқ, ерда қолмоқ сингари “шахс” семаси мавжуд бўлмаган бирликларнинг агенс валентлиги предмет ёки ходиса бўлиши мумкин.

Айтмабмидим, Комил, таклифимиз **ерда қолмайди** деб. (И.Р.)



Бўрон тобора забтига оларди. (Ш.Р.)

Баъзан вазиятдан келиб чиқиб, “шахс” семасига эга бўлган ФБнинг агенс валентлигини бундай семага эга бўлмаган бирликлар тўлдириши мумкин.

...қалбимда гўё исён, галаён аждаҳоси бош кўтарган-у, менга тинчлик бермайди. (М.И.)


Аниқловчи позициясида келиши. Ўзбек тилидаги феъллар гапда кесим бўлиб келар экан, унинг агенси деярли эга билан мутаносиб бўлади.¹ Бирок ибораларда бу бошқачароқ. Иборалар мазмун жиҳатдан бир сўзга тенг келса ҳам, шаклан баъзан гапга сўз бирикмасига тенг келади. Шунинг учун ФБ таркибидаги компонентларнинг шаклланишидан келиб чиқиб, агенс валентлигини тўлдирувчи бирлик турли позицияда шаклланиши мумкин. Ўзбек тилида ФБларнинг агенс валентлигини тўлдирувчи бирликларнинг аниқловчи позициясида келиши ҳам кўп учрайдиган ҳолат.

Масалан, *дили сиёҳ бўлди, дили гаши, дили хира, кўнглига сизмади, жони халқумига келди, кайфи бузилди* фразеологизмлари таркибида “рухий ҳолат”,

¹ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валент хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2007.


“тушкунлик” семалари мавжуд. Ушбу фраземалар инсон рухий ҳолати билан боғлиқ хафалик, ғашлик белгиларини намоён қилади ва агенс валентлигига эга бўлади. Натижада “шахс” семали birlikлар билан синтагматик муносабатга киришади:

Марат унинг кўнгли чўкканини сезди. (Ў.Х.)



Ўз отасининг жони ачимагандан кейин, мен нима дердим. (С.З.)

Шунингдек, *кўнгли ёришди, кўнгли кўтарилди, кайфи чоғ, огзи қулоғида, жони кирди* фразеологизмлари “рухий ҳолат”, “кўтаринкилик” семаларига эга, бу семалар агенс (белги ташувчи) валентлигига ишора қилади ва уларга боғланган “шахс” семали лексемалар мазкур валентликни тўлдириш учун хизмат қилади. Демак, мазкур ибораларда субъект валентлиги фаол (актив) валентлик саналади. Фразеологизмлар таркибидаги биринчи компонентлар эгалик шаклида турибди. Субъект валентлигини қаратқич келишигидаги учинчи шахсни билдирувчи от (от ўрнидаги олмош) *унинг* тўлдириб келяпти:



Берилган иборалар таркибидаги бошқа семалар фраземаларни унга хос умумий семаларга мутаносиб лексемалар билан боғлаш имкониятига эга. Фразеологик бирликлар билан боғланувчи воситалар турлича синтактик позицияларда келиши мумкин. Мазмуний бирликлар билан уларнинг синтактик позицияси ўртасида симметрик муносабат мавжуд.

Бу тахлит шаклланган ФБларнинг агенс валентлигини билдирувчи лексик бирликлар баъзан нутқда иштирок этмайди. Эгалик қўшимчалари билан шаклланган бундай бирликлар агенс валентлиги отнинг эгалик категорияси ёрдамида ифодаланади.

*Кўйинг-э, - деди Лутфихон уй деразасини ёна туриб – ўзи **жоним** халқумимга келиб турибди.* (С.А.)

Тўлдирувчи позициясида келиши. ФБ агенси тўлдирувчи позициясида келиши эга ва аниқловчи позициясида келиши сингари кўп учрамаса ҳам, шундай вазиятлар учраб туради. Бундай ФБ структураси, одатда, эга-кесим муносабатидан ташкил топади.

*Сал ўтмай настликда қордан рўмол ўраган гарамлар кўринди. Маъюс келаётган қўйларга **жон кирди.***

*Ундай деса Солиянинг пичингида ҳам **жон бор.** Ахир илгарилари “ака” демас эди-ку.* (С.А.)

Ўзбек тилидаги ФБларнинг пациенс валентлиги. Субъект валентлигининг бу тури баъзи феълларга орттирма нисбат қўшимчаларини қўшиш билан юзага келтирилади.¹ ФБларда ҳам шундай: фразема таркибидаги феълга орттирма нисбат қўшимчаси қўшиш орқали ҳосил қилинади. Масалан, (кимнинг) *дабдаласи чиқмоқ* – (ким, кимнинг) *дабдаласини чиқармоқ*. Профессор Ш.Раҳматуллаев бундай ФБларни икки турга: 1) таркибида қайта ўтимли феъл аъзо қатнашадиган фраземалар; 2) ўтимлилашган феъл аъзоли фраземаларга бўлади. Зеро, орттирма нисбат шаклларининг ўзига хос маъно хусусияти ўтимсиз феълларни


¹ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валент хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2007.

ўтимлилаштириш ва ўтимли феълларда кўш ўтимлиликни юзага келтиришдир.¹

Орттирма нисбат шаклидаги феъл ағенси ҳаракатни бевосита юзага чиқармайди, балки воситасиз тўлдирувчи шаклидаги сўз воситачи шахс (баъзан предмет) бўлади, яъни бунда бу воситасиз тўлдирувчи объект бўлмай ҳаракат юзага чиқишида восита бўлади ва пациенс валентлигини тўлдиради.

Амалга оширмоқ, ерда қолдирмоқ, авжга миндирмоқ каби бирликлар ағенси одатда, “шахс” семали бирлик билан ифодаланади, пациенс эса “предмет” семасига эга бўлади, лекин у ҳаракат тушган предмет эмас, ҳаракатни ағенс таъсирида юзага чиқарувчи предмет - пациенсдир. *Ўтган ҳар минут Салим аканинг жаҳлини авжга миндираётганини сезди.* (С.Н.)

Жонини ҳалқумига келтирмоқ, жонини чиқармоқ, аччигини келтирмоқ, абжагини чиқармоқ, дабдаласини чиқармоқ каби бирликларда ҳам пациенс валентлиги мавжуд бўлиб, буларда юқоридаги бирликларга қараганда бошқачароқ ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни бу ибораларнинг аниқ нисбатдаги шакли эга ва кесим муносабатидан ташкил топган (жони ҳалқумига келди), шунинг учун бу ФБлар таркибидаги феълнинг пациенс валентлигини тўлдирувчи бирлик ФБ таркибида тургандек, аслида эса, ФБ таркибидаги феълнинг аниқ нисбатдаги шакли сингари орттирма нисбат шаклида бўлганда ҳам субъект валентлигини тўлдирувчи бирлик шаклида ўзгариш юз беради: *кимнинг* жони ҳалқумига келди – *ким кимнинг* жонини ҳалқумига келтирди. Демак, бундай ФБларнинг субъект валентликларидан бири (ағенс, пациенс) аниқловчи позициясидаги бирлик ёрдамида тўлдирилади:



¹ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. – Тошкент, 1984.

Шариф аканинг талмовсирашга ўхшаб айтган гапи Розия холанинг аччигини келтирди.

Таъкидланганидек, пациенс валентлиги асосан орттирма нисбат шаклидаги феълларда бўлади. ФБлар бир неча лексик компонентдан ташкил топганлиги учун баъзан ФБ таркибидаги феъл орттирма нисбат шаклида бўлмаса ҳам, пациенс валентлигига эга бўлади: *кимнинг* бир сўзи иккита бўлмаслик – *ким кимнинг* бир сўзини иккита қилмаслик

Тўй эгаси унинг сўзини иккита қилмади. (С.А.)

Баъзан бу каби ҳолатлар лексемаларда ҳам учраб туриши мумкин. ***Мажбур қилмоқ, ундамоқ, буюрмоқ, сўрамоқ, талаб қилмоқ, қистамоқ, чорламоқ*** сингари аналитик типдаги бирликларнинг пациенс валентлигини юзага чиқариши С.Муҳамедова томонидан ўринли мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилади.¹

Бундай ҳолат асосан ФБ таркибидаги *бўлмоқ* феъллини *қилмоқ* феъли билан алмаштириш орқали юзага келтирилади, яъни нисбат қўшимчаси вазифасини лексема бажаради: бир ёқли *бўлмоқ* – *бир ёқли қилмоқ*, *дили сиёҳ бўлмоқ* – *дилини сиёҳ қилмоқ*, *ер билан яксон бўлмоқ* – *ер билан яксон қилмоқ*.

Баъзан ФБ таркибидаги ўтимсиз феъллини ўтимли феъл билан алмаштириш ҳисобига ҳам иборанинг пациенс валентлигига эга бўлишига сабаб бўлади: *йўлга тушмоқ* – *йўлга солмоқ*.

...жон амаки, мени йўлга солиб қўйинг, ўз юртимга кета қолай. (С.А.)

Баъзан ФБ таркибидаги ўтимли феълнинг бошқаси билан алмаштирилиши: *бўйнига олмоқ* – *бўйнига қўймоқ*. Бунда биринчи ФБнинг икки облигатор валентлиги – агенс ва объект валентлиги бўлиб, улар воқеланганда синтактик эга ва тўлдирувчига мос келади. Иккинчи ФБнинг учта облигатор валентлиги – агенс, пациенс ва объект валентлиги бўлиб, улар синтактик жиҳатдан эга, аниқловчи ва тўлдирувчи позициясидаги бирликлар билан тўлдирилади. Аксарият ҳолларда пациенс валентлигини тўлдирувчи

¹ Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент, 2005

бирлик нутқда ифодаланмай, у фразема таркибида эгалик қўшимчаси орқали намоён бўлади.

“Найрангбозлигимни бўйнимга қўйиб беринг!” – деди пингирлаб, бўғилиб Каримқул. (О.)

Юқоридаги гапнинг агенс валентлиги кесимлик шакли бўлган шахсон қўшимчаси билан, пациенс валентлиги отнинг эгалик шакли билан тўлдирилмоқда.

III.2. Объект валентлиги


Валентлик дастлаб лексик бирликларга нисбатан қўлланган. Кейинги даврларда синтактик бирликларга нисбатан қўлланилмоқда. Боғланувчи элементлардан қайси бири бириктириб олувчи қайсиниси бирикувчи эканлигига кўра фаол ва нофаол валентликларга бўлинади¹, бириктириб олиш хусусиятига эга бўлган бирлик валентлиги фаол, бирикиш хусусиятига эга бўлган бирлик валентлиги эса нофаол валентлик ҳисобланади.

Қуйида биз феъл фраземаларнинг фаол валентликларидан бири бўлган объект валентлиги ҳақида фикр юритамиз. Объект бу ҳаракат қаратилган предмет бўлиб, кўп ҳолларда гапнинг синтактик тўлдирувчисига тенг келади, лекин бу билан объектни тўлдирувчининг ўзи дейиш ҳам тўғри эмас.

Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг объект валентлиги ФБнинг семантикаси ва шаклидан келиб чиқиб турли шаклларда келиши мумкин.


Тушум келишигидаги от. Бўйнидан соқит қилмоқ, бўйнига олмоқ, бўйнига қўймоқ, гарданига юкламоқ, бой бермоқ сингари ФБларнинг объект валентлиги тушум келишигини олган сўз билан тўлдирилади. Бунга асосий сабаб ибораларнинг феъл компонентлари ўтимли феъллардир. Буни қуйидаги ҳолатда кўришимиз мумкин:

¹ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Т., 2001



Жўналиш келишигидаги от. Жон кирди, бел боғламоқ, жавоб бермоқ, қулоқ солмоқ, кўзи тушмоқ сингари ФБларнинг объект валентлиги жўналиш келишигини олган бирлик тўлдиради.

Сўнг Эшонбоев бу талабларга жавоб бера олмаганига далиллар келтирган эди. (П.Қ.)



Тонг саҳарда ўтовдан чиққан қария олазарак бўлиб осмонга қаради: кўк гумбазини тўлдириб-бостириб келаётган қоп-қора булутга кўзи тушгач эса ичини ваҳм босди. (У.Ҳ.)

Чиқиш келишигидаги от. Кўз узмаслик, дарак бермоқ сингари ФБларнинг субъект валентлиги чиқиш келишигини олган сўз билан тўлдирилади.

Марат бурилиб қаради-ю, Ҳилоланинг ўзидан кўз узмай ўтирганини кўрди. (Ў.Ҳ.)

Бош келишикдаги от. Маълумки, бош келишикдаги отлар, одатда, гапнинг грамматик эгаси ҳисобланади, эга эса кўп ҳолларда семантик субъектга тенг келади. Қатор ФБлар таркибидаги бирликларда эгалик келишигининг мавжудлиги кўп ҳолларда субъектнинг қартқич келишигидаги

от бўлишини талаб қилади ва грамматик эга бўлган бош келишиқдаги сўз ФБнинг одатий агенс валентлигини эмас, объект валентлигини тўлдириш учун хизмат қилади. Бундай бирликларга *жонига тегмоқ, зиммасига тушмоқ* сингари фраземаларни кўрсатиш мумкин.

Дала шийпонларида кўчма кутубхоналар ташкил этиш, уни шиор ва плакатлар билан безатиш вазифаси бизларнинг зиммамизга тушган. (Н.А.)

Ш.3. Темпорал валентлик

Ўзбек тилидаги феъл фраземалар предикат бўлганда доимо замон категориясига эга бўлади. Шунинг учун улар темпорал (пайт) валентлигига эга бўлади. Кўп ҳолларда ўзбек тилида бу валентлик лексик воситалар билан тўлдирилмаслиги мумкин, бунинг асосий сабаби кесимнинг замон кўшимчалари билан тусланишидир. Феъл фраземаларнинг пайт валентлиги турли воситалар ёрдамида тўлдирилади шунга кўра уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

Лексик бирликлар ёрдамида. ФБнинг пайт валентлигини лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиш энг кўп тарқалган ҳолатдир. Пайт валентлиги қуйидаги лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиши мумкин:

***Равишлар ёрдамида:** Ҳозир яна гаши кела бошлади. (Ў.Ҳ.)*

Юқоридаги мисолда ФБ ҳозирги келаси замон шаклида келмоқда ва унга мос равишда *ҳозир* лексемаси ФБнинг пайт валентлигини тўлдирипти. Кейинги мисолда ҳам “ўтган замон” семали равиш ўтган замон шаклидаги ФБнинг пайт валентлигини тўлдириб келади.

Бўлмаса, у ҳам илгари ерга урса кўкка санчирди. (Ҳ.Н.)

***Равиш ўрнида қўлланувчи олмошлар ёрдамида:** Айтинг-чи, мулла ака, ҳалиги зотлар дунёдан қачон ўтган? (П.Т.)*

Равиш ўрнида қўлланувчи сўроқ олмоши ФБ қайси замон шаклида бўлишидан қатъий назар унинг пайт валентлигини тўлдира олади. Баъзи бир олмошлар борки, улар ФБ замониға қараб ўзгаради:

Холбуки, ёшим ўттиз бешдан ошди, аллақачон бирон тайинли ишнинг бошини тутадиган, ўзимни намоён қиладиган вақт келган. (У.Х.)

Фразеологик бирликлар ёрдамида.

*Ширин кампирхонимизнинг олдида мени қўллаб-қуввутламасангиз, икки гапнинг бирида суҳбатнинг **белига тепадиганга** ўхшайдилар. (М.М.)*

Синтактик воситалар ёрдамида. Бунда феъл ФБнинг темпорал валентлиги бир эмас бир неча лексик бирликлар орқали тўлдирилади.

*Мана шундан кейин ҳамма нарсадан **ихлосим қайтди**. (М.И.)*

Бунда *ихлосим қайтди* ФБнинг темпорал валентлиги *шундан кейин* бирикмаси ёрдамида ифодаланмоқда. Темпорал валентликни тўлдиришни фақат содда сўз бирикмалари бажармай, баъзан муракаб бирикмалар ҳам бажариши мумкин:

*Немис халқининг машҳур шоири Гёте ўзбекнинг Навоий деган шоиридан уч юз йил кейин **дунёга келган**. (М.М.)*

Юқоридаги гапда *ўзбекнинг Навоий деган шоиридан* уч юз йил кейин бирикмаси биргина **қачон** сўроғига жавоб бўлиб, *дунёга келган* ФБнинг темпорал валентлигини тўлдирмоқда.

Баъзан пропозиция англатувчи бирикма ёрдамида ҳам темпораллик ифодаланиши мумкин:

*Ётган ерида тўлгана-тўлгана, қоронги тушганда **жони узилди**. (М.)*

Бу гапда пропозиция ифодаловчи *қоронги тушганида* (*қоронги тушди*) бирикмаси ФБ билан ифодаланган ҳаракатнинг юзага чиққан вақтини кўрсатиб беради. Бу ҳолат куйидаги гапда аниқроқ кўринади:

*...аммо жуда қувноқ эркак-аёлларнинг шовқин-сурони улар машинага ўтиришаётганда **авжига чиқди**. (Р.Ф.)*

Демак, ФБнинг темпорал валентлиги асосан пайт маъносини ифодаловчи лексик бирликлар ёрдамида тўлдирилиши билан бирга, баъзи ҳолларда ФБ билан ифодаланган ҳаракат пайтини билдиришда синтактик бирликларнинг ҳам аҳамияти катта. ФБ кесим вазифасида келганда унинг темпорал валентлиги лексик-синтактик бирликлар ёрдамида тўлдирилмаса,

юқорида таъкиланганидек, грамматик воситалар (замон категорияси) ёрдамида ҳамма вақт пайт маъноси англашилади.

Йўзе изво қилиб, одамнинг юрагини бузади. (Ў.Х.)

Қиёс: одамнинг юрагини бузади – ҳар доим одамнинг юрагини бузади.

Ш.4. Локал валентлик

Маълумки, феъллар гапнинг тузилиш асосини белгилайди. Функционал-семантик майдон доирасида феъл лексикаси, унинг бошқа сўз туркумланини мантиқан боғлаш имкониятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.¹ Шунга кўра, феъл туркуми билан боғлиқ тадқиқотлар уларнинг валентлигига алоқадор ҳолда майдонга келганлиги табиий.²

Проф. Р.Расулов “ валентлик, бир томондан, жонли нутқни – сўзлар орасидаги синтактик алоқани, сўзларнинг ўзаро бирикувини таъминлайди, иккинчи томондан, сўзлар орасидаги синтактик алоқада, сўзларнинг бирикувида реаллашади, таъсир қилувчи “куч”га айланади. Бинобарин, синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади. Валентлик – ички имконият (потенция) бўлса, синтактик алоқа унинг рўёбга чиқишидир”, - деб таъкидлайди.³

Б.Қурбонованинг таъкидлашича, “локал” семали феълларнинг барчаси ўрин валентлигига эга. Феълларнинг ўрин валентлиги асосан “локал” семали кўмакчилар ва “локал” белгига эга бўлган келишиклар - **-да, -га, -дан** орқали намоён бўлади. Бу хусусда ўзбек тилшуносларидан И.Қўчқортоев, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, М.Миртожиев, С.Муҳамедова кабиларнинг етарлича қарашлари мавжуд.⁴

¹ [http://virlib.eunnet.net/proceedings/?base=mag/0031\(01_07-](http://virlib.eunnet.net/proceedings/?base=mag/0031(01_07-2004)&xsl=showArticle.xslt&id=a16&doc=../content.jsp)

2004)&xsl=showArticle.xslt&id=a16&doc=../content.jsp -- 48.0 Кб -- 28.08.2006

² Қурбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол. фанл. номз....дисс. автореф. Тошкент, 2007. – 18-бет.

³ Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1992.- № 5-6.- 38-бет.

⁴ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.- Тошкент: Фан, 1977; Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия.- Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.-Тошкент:Фан, 1989; Миртожиев М. Гап тузилиши ва маъносининг марказий бўлаги масаласи// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1998, №4; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги

Ўзбек тилидаги “локал” семага эга бўлган феъллар таркибида *бормоқ, келмоқ, жўнамоқ, кетмоқ, санчмоқ, босмоқ, сепмоқ, кўчмоқ, силжимоқ, ўтирмоқ, юрмоқ, етмоқ, яшамоқ, ётмоқ* феъллари ажратилади.¹ Табиийки, ҳаракатнинг бажарилиш ўрни билан боғлиқ бўлган ушбу феъллар билан маъно нуқтаи назаридан тенг келувчи иборалар ҳам “локал” семага эга. Шу маънода “локал” семали мазкур ФБлар ўз ички узвлари асосида, шунингдек, улар билан синтагматик муносабатга киришувчи, уларнинг ўрин валентлигини тўлдирувчи воситаларнинг кўрсаткичлари асосида ажратилиши мумкин.

Ўзбек тилидаги феъл фраземаларнинг локал (ўрин) валентлиги актант агентс (контрагентс, пациенс)нинг ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлади. У ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, сатҳини билдиради. Илмий манбаларда ўрин валентлигини намоён этувчи сўз гапда, асосан ўрин келишиги кўшимчаси билан шаклланиши кўрсатилади. Ҳақиқатан ўрин келишиги локал валентлик актантини намоён этувчи сўзни шакллантиради, асосан, ўрин келишигидаги бирлик феълда ифода топган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрни билан бевосита боғланади.

Улар илгарилаб, қоронгида кўздан зойиб бўлишди. (Ў.Ҳ.)

Ўзбек тилидаги баъзи бир феълларнинг ўрин валентлиги зарурий характердадир. Бу ҳақида қатор тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари мавжуд. Улар ўз изланишларида феълларнинг турли семантик турларининг локал валентликларини ўрганадилар.²

ФБларда ҳам локал валентлик облигатор (мажбурий) ёки факультатив бўлиши мумкин. Бу уларнинг семантик хусусиятлари билан узвий боғлиқ. Масалан, *бошини олиб чиқиб кетмоқ* ФБи “йўналиш” семали ФБ бўлиб, унда

юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол.фанл.номз...дисс.автореф.. Тошкент,- 1996; Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги: Филол.фанл.номз...дисс.автореф.. Тошкент.- 1999 ва бошқалар.

¹ Курбонова Б.Қ. Кўрсатилган асар, 18-бет.

² Кучкартаев И. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Автореф.дис...док-ра филол. наук. – Ташкент, 1978; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феълларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989; Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларнинг семантик ва валентлик хусусиятлари. ФФД автореф. – Тошкент, 2007; Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент, 2007 кабилар.

локал валентлик облигатор ҳисобланади. Бу ФБнинг локал валентлиги асосан -дан чиқиш келишигидаги от билан тўлдирилади. Бу ҳолат *елкасининг чуқури кўрсин* ФБида ҳам кузатилади, яъни ФБ таркибида “локал” сема чегара сема сифатида мавжуд бўлиб, шу сабабли бу ФБида локал валентлик облигатор валентлик ҳисобланади ва тушум келишигидаги от билан тўлдирилади.

Йўл олмоқ ФБи йўналма ҳаракатни билдириб, унда йўналма ҳаракат феълларида бўлганидек бошланғич нуқта ва охириги нуқта валентлиги мавжуд.¹ Бу ҳолат *оёғи тортмади* ФБида ҳам кузатилади, фақат бу бирликда охириги нуқта валентлиги облигатор валентлик бўлади.

Баъзи феъл ФБларда локал валентлик факультатив бўлади. Бу ҳолда локал валентлик нутқ талаби билан тўлдирилиши ҳам, тўлдирилмаслиги ҳам мумкин.

Зуннунов эшита кўрмасин унинг додини. Икковлашиб ҳамма ёққа жар солади. (И.Р.)

Боб юзасидан хулоса

1. Фразеологик бирликлар ҳам лексемалар сингари эмик бирлик сифатида валентлик белгисига эга. Фразеологизмларнинг валентлиги фаол ва нофаол тарзда бўлиши кузатилади.

2. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар фаол валентликка эга бўлиб, гапда асосан кесим ёки ҳол позициясида келади. Шунингдек, ўзи боғланаётган лексеманинг валентлигини тўлдириши ҳам мумкин.

3. Ҳаракат, ҳолат, белги мазмунини англатувчи фраземалар объект, субъект, темпорал, локал сингари валентликларга эга бўлиб, уларнинг валентлиги бирикувчи лексемаларнинг ифодаси ёрдамида тўлдирилади.

¹ Мухамедова С. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. ФФН автореф. – Тошкент, 1999, 17-б.

4. Фразеологик бирликларнинг облигатор валентлиги нутқ жараёнида тўлдирилиши зарур бўлган, факультатив валентлик эса нутқ вазиятига кўра аниқланадиган воситалар саналади.

5. Фразеологизмларнинг муайян валентлигини тўлдирувчи ифодалар субстанционал белгиси ва синтактик позицияси асосида ажратилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилшунослигида кенг тармоқ отган семантик-структур таҳлил усули фразеологизмлар тадқиқида ҳам маълум даражада кузатилади. Ўзбек тилидаги ибораларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари муаммоси тилшунослик фанидаги муҳим назарий масалалар таркибига киради.

2. Ўзбек тилидаги ФБлар тил системасининг таркибий қисми сифатида ўзига хос кичик системани ташкил этади. Бу бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган, маъно жиҳатидан лексемага тенг келувчи, ифода имкониятлари билан лексемадан фарқ қилувчи лингвистик бирлик саналади.

3. Фразеологик бирликлар англатган интеграл ва дифференциал семалар, фразема таркибидаги бирликларнинг ички семантик таҳлили, маълум мазмуний умумийлик асосида ажратилувчи иборалар, ҳар қайси ибора таркибидаги бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар тилнинг системавий табиатини янада тўлароқ ёритиш имконини беради.

4. Тилимиздаги айрим иборалар омонимлик ва полисемантик хусусиятга эга эканлиги назарда тутилса, улар маълум семаси билан бир гуруҳга, иккинчи семаси билан бошқа гуруҳга киритилади.

5. Структурал нуқтаи назардан лексемалардан фарқ қилувчи фразеологизмлар таҳлилида уларнинг ички компонентларига ҳам эътибор қаратиш зарур.

6. Ўзбек тилидаги инсон қиёфаси билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар ифода этган тушунча ўзига хос тарзда бўлади. Инсоннинг маълум аъзосидан келиб чиқиб, бундай фразеологизмлар шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлинади.

7. Амалий нутқимизда *бош*, *кўз*, *бўйин*, *оғиз*, *қўл* тарзидаги лексемалар орқали шаклланган соматик ФБлар фаол қўлланилади. Фразеологик бирликнинг ўзига хослигини таъминлашда шу лексемаларга хос бўлган айрим семалар муҳим восита бўлади.

8. Инсон тана аъзоларининг хатти-харакати, ҳолатига нисбат бериш асосида олинган фразеологизмлар таркибидаги лексемалар денотатив маъносини сақлаши, айти пайтда, ўз маъносидан узоқлашиши мумкин.

9. Валентлик икки томонлама моҳиятга эга бўлган лингвистик бирликлар орасидаги синтагматик муносабатни, тил бирликларининг ўзаро бирикувини таъминлашга хизмат қилади. Фразеологик бирликлар валент хусусиятлари асосида нутқ жараёнида бошқа бирликлар билан синтагматик муносабатга киришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
2. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик, бағрикенглик, яшариш ва янгилашиш айёми / Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. - Халқ сўзи, 2011йил, 22 март.
3. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
4. **Абдуллаев Ш.Д.** Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида) Филол.фанл.номз....дисс.автореф. Тошкент, 2006.
5. **Абдуллаев А.** Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўз бирикмаларини ўрганиш масаласига доир // Алишер Навоий номидаги ЎзДУ асарлари. Янги серия, 77-чиқиш. Самарқанд, 1958.
6. **Алмаматова Ш.Т.** Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фанл.номз....дисс.автореф. Тошкент, 2008.
7. **Ахманова О.С.** Словарь лингвистических терминов. М.: СЭ, 1966
8. **Аристова Е.Б.** категория субъекта активные синтаксеми в современном английком языке. – Сб. Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982.
9. **Бегматов Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.
10. **Бозоров О.** Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент: Фан, 1995.
11. **Васильев Л.М.** Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990
12. **Исаев А.** Соматические фразеологизмы узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1977.

13. **Йўлдошев Б.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 1993
14. **Йўлдошев Б.** Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Самарқанд, 2007.
15. **Караулов Ю.Н.** Общая и русская идеография. М: Наука, 1976.
16. **Кацнелсон С.Д.** К понятию типов валентности. – ВЯ, 1987, 3.
17. **Кибардина С.М.** К истоком теории валентности в немецком языкознании XIX века.- В кн.: Грамматические концепции в языкознании XIX века. Л., 1985.- С.1981.
18. **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Автореф.дис...док-ра филол. наук. – Ташкент, 1978
19. **Кучкартаев И.К.** Понятие синтаксической валентност в работах зарубежных языковедов. ВЯ, 1967. № 2
20. **Лингвистический энциклопедический словарь.** М: СЭ, 1990.
21. **Ломтев Т.П.** Общее и русское языкознание.- М.: Наука, 1976.
22. **Лурия А.Р.** Язык и сознание. МГУ, 1979.
23. **Маматов А.Э.** Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2000.
24. **Маматов А.Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Тошкент, 1991.
25. **Маҳмудов Н.** Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент, 1984.
26. **Миртожиев М.** Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975.
27. **Миртожиев М.** Ўзбек тилида феъл валентлиги. Тошкент, 2007.
28. **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол.фанл.номз....дисс.автореф. Тошкент, 1999

29. **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларнинг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007
30. **Муҳамедова С.** Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. Тошкент: Фан, 2005.
31. **Набиева Д.А.** Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. Тошкент: Шарқ, 2005.
32. **Нарзиева М.** Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили// Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 5-сон.
33. **Неъматов Ҳ., Бозоров О.** Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
34. **Неъматов Ҳ., Расулов Р.** Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
35. **Нурмонов А.** Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
36. **Нурмонов А., Расулов Р.** Ўзбек тили жадвалларда. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
37. **Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д.** Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
38. **Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С.** Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992.
39. **Новиков Л.А.** Семантика русского языка. М: ВШ, 1982.
40. **Нурмонов А., Искандарова Ш., Набиева Д.** Анъанавий ва систем тилшунослик муносабати масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 4-сон.
41. **Нурмонов А., Йўлдошев Б.** Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент, 2001.
42. **Поливанов Е.Д.** Введение в языкознание для востоковедных вузов. - Л.: 1928.
43. **Расулов Р.** Ўзбек тилидаги ҳолат феълларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989
44. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Тошкент: Фан, 1964.

45. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978
46. **Раҳматуллаев Ш.** Нутқимиз кўрки. Тошкент: Фан, 1970.
47. **Раҳматуллаев Ш.** Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957.
48. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. Тошкент: Университет, 1992.
49. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1966.
50. **Раҳматуллаев Ш.** Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986.
51. **Рўзиқулова М.** Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1966.
52. **Саидова М.** Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1995.
53. **Соссюр Ф.** Курс общей лингвистики // Соссюр Ф. Труды по языкознанию – М.: Прогресс, 1977.
54. **Соссюр Ф.** Курс общей лингвистики. М: Наука, 1979.
55. **Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Тошкент: Маънавият, 2004.
56. **Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. фанл.докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2005.
57. Современный русский язык. Теоретический курс. Лексикология. –М.:РЯ, 1987
58. **Солнцев В.М.** Язык как системно-структурное образование. М: Наука, 1971.
59. **Солнцев В.М.** Языковой знак и его свойства.//ВЯ -1977, №2.
60. **Степанова М.Д.** Проблемы теории валентности в современной лингвистике. – Иностр.языки в школе, 1973.

61. **Степанова М.Д., Хельбиг Г.** Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М., 1978.
62. **Усмонова Ш.Р.** Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1998.
63. **Шанский Н.М.** Фразеология современного русского языка. М.: Высшая школа, 1985.
64. **Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
65. **Шомақсудов А.** Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
66. **Ўзбек тили грамматикаси.** II том. Тошкент: Фан, 1976.
67. **Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш.** Маънолар маҳзани. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
68. **Ўзбек тили лексикологияси.** –Тошкент: Фан, 1981.
69. **Ўзбек тили грамматикаси.** 1-том. Тошкент: Фан, 1975
70. **Ўзбек тили грамматикаси.** 2-том. Тошкент: Фан, 1976
71. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати.** 1-5-том. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.
72. **Қудратова И.** Макон муносабатининг ифодаланиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 3-сон.
73. **Қурбонова Б.Қ.** Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 2007.
74. **Ҳақимов Қ.** Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1994.
75. **Ҳожиёв А.** Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2002.
76. **Ҳозирги ўзбек адабий тили.** –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
77. [http://virlib.eunnet.net/proceedings/?base=mag/0031\(01_07-2004\)&xsl=showArticle.xslt&id=a16&doc=../content.jsp](http://virlib.eunnet.net/proceedings/?base=mag/0031(01_07-2004)&xsl=showArticle.xslt&id=a16&doc=../content.jsp) -- 48.0 Кб -- 28.08.2006